VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

35 (43) 2009 йил 9 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Сайлов кампанияси даврида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида "Сиёсий партиялар фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан ишлашнинг аҳамияти" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

➔ 3-бет



Яшил салтанат кушандаси

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари дунёнинг турли нуқталарида ўрмон ёнғинлари содир бўлаётгани ҳақида тез-тез хабар тарқатмоқда. Август-сентябрь ойларида Греция, Испания, Франция, АҚШ, Португалия, Австралияда кучли ўрмон ёнғинлари кузатилди.

➔ 7-бет

Уй музейи

Шундай фидойи инсонлар борки, ҳамиша эзгуликка интилиб, халқимга, ватанимга фойдам тегсин, деган яхши ниятлар билан яшайди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Бешкапа маҳалласида истиқомат қилаётган Бахтиёр Пўлатов ҳам худди шундай инсонлар сирасига киради.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
Пленум танқидий руҳда ўтди
Аёллар соғлиги — юрт бойлиги
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Истиқболимиз фаолликка ундайди
Соғлом турмуш тарзи
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Ижтимоий муҳофаза
Муқаддас бурч
Одам савдосига қарши кураш
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Тарихнинг ўн саккиз лаҳзаси
ЖАРАЁН 6-бет
Шартнома интизоми
Фермернинг бир куни
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Лабиринтлар уларнинг ҳар бири афсонага йўғрилган
Дунёдан дараклар
НИГОҲ 8-бет
Янги почта маркалари
Пойтахт ҳақида китоб
Турфа олам

Тарихнинг ўн саккиз лаҳзаси

Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим.

Ислом КАРИМОВ

МИЛЛАТ ВА ЗАМОН

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

Ҳа. Мустақиллик ҳақида оммавий ахборот воситаларимизда катта ихлос билан эслатилаётган ушбу ҳикматни шарҳласак, ҳар сўзи бир китоб бўлади. Биз – Озод ва обод, эркин Ватанда эмас, мустамлакачилик йилларида Кремлга қараб сиғинадиган, маҳзун, кўзида ёш, хору асир Ватанда туғилган авлодлар эдик. Бизга "нима учун?" деган саволни беришимиз таъқиқланган эди. Чунки ижодкор эмас, ижрочи миллат эдик. Мустақиллик - бировга бўйсуниб, ё тақлид қилиб эмас, ўз ақлимиз, иродамиз билан яшаш ҳуқуқи ва масъулияти ҳам эди.

ЎЗ ЙЎЛИМИЗ ЭЪТИРОФИДА

Бизга қандай яшашни ўргатишни истовчилар кўп бўлган. Ҳозир ҳам кўп. Бироқ, бугун кўзларимиз ўз йўлимиз ҳақлигининг юзлаб мисолларини кўрмоқда.

Молиявий инқироз дунёнинг барча давлатларини ўз домига олди.

(Давоми 5-бетда)

НИГОҲ

Ижтимоий муҳофаза

муҳим ва узлуксиз жараён

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси юртимизда кенг нишонланиб, ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ, ўзгариш ва янгиланишлар кўз олдимизда яна бир бор намоён бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, бу борада аҳолини иш билан таъминлаш, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш мақсадида талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз соҳага бўлган эътибор ва талабни янада оширди. Бунда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва умуман, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни ошириш ҳар бир давлат олдидаги муҳим вазифага айланди. Биз ҳам мамлакатимизда соҳада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири **Актам ХАИТОВ** билан суҳбатлашдик.

- Вазирлик томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазаси борасида ўтган ярим йил давомида Президентимизнинг тегишли Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

- Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вазирлигимиз ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2009 йилги устувор вазифалар, жумладан, жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш ва бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини таъминлашга йўналтирди.

(Давоми 4-бетда)

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Бугун дунёда экологик муаммолар кирмаган соҳа деярли қолгани йўқ. Ҳозирги кунга келиб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш учун кураш олиб бориш, инсон саломатлигини асраш масалалари ғоят долзарблиги билан барчага бирдек тааллуқлидир. Маълумки, мустақиллик йилларида республикамизда ҳам бу соҳада кўлами жиҳатдан улкан ишлар амалга оширилди.

Кун тартибида янги Низом муҳокамаси

Мамлакатимиз эга бўлган бой табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, наботот ва ҳайвонот дунёсини, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун тоза ва табиий муҳитни сақлаб қолиш йўлида барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мустақиллик — энг улуғ ва азиз неъмат

эканлиги партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган байрам тадбирларида ўз аксини топмоқда

Халқимизнинг миллий ифтихорига айланган мустақиллик байрами миллатнинг ўзлигини, қадриятларини ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этганлиги билан мукаррамдир. Қисқа давр ичида эришилган бугунги тараққиёт, юксалишлар ҳар бир юртдошимиз қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан қуришга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб юборган тарихий ўзгаришлар мустақилликнинг халқимизнинг ўзлигини, эркини, фаровонлигини таъминловчи нақадар улуғ неъмат эканлигини исботлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда катта ишлар олиб борилди ва улкан натижаларга эришилди.

(Давоми 2-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кун тартибида янги Низом муҳокамаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилиши кун тартибидан ўрин олган "Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида"ги Низом муҳокамаси чоғида юқоридаги фикр-мулоҳазалар депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда қайд этилганидек, экологик муаммолар глобал тус олаётган шароитда марказда ва жойларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қонунларнинг оғишмай бажарилиши, бу ишда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши беқиёс аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу соҳада қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш муҳимдир. Бунинг амалий ифодасини мамлакатимизда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунда Қонунчилик палатасида ўн бешта депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилганлиги, шу тарика, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати сиёсий ташкилот ҳам, сиёсий партия ҳам эмас. Унинг фаолияти сиёсий қарашларидан қатъий назар, аҳолининг деярли барча қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган. Айнан мана шунинг учун ҳам қонунчиликка Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун депутатлар ўринларини махсус квоталаш институти жорий этилди. Мазкур янгилик юқорида қайд этилган экологик масалаларни ҳал этишда парламентнинг ролини оширишга ҳам кўмаклашмоқда. Қонунда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тартиби, депутат этиб сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва уларнинг парламентдаги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар белгилаб берилган. Низомда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 47-моддаси иккинчи қисмида белгиланган нормани, яъни "Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби"ни ижро этиш механизми белгилаб берилмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари мазкур ҳужжатнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимиз сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, жамият ҳаёти ва давлат қурилишини босқичма-босқич демократлаштиришни таъминлаш билан бир қаторда, Ўзбекистон Экологик ҳаракатига мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва экологик ривожлантириш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳал этишда фаол иштрок этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш имконини беришини эътироф этган ҳолда Низомни маъқулладилар. Шунингдек, Низом матн жиҳатидан камчиликлардан ҳоли эмаслиги таъкидланиб, улар юзасидан аниқ таклифлар билдирилди.

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мустақиллик — энг улуғ ва азиз неъмат

эканлиги партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган байрам тадбирларида ўз аксини топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Истиқлол шодиёналари кезиб юрган бу шукуҳли кунларда юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, ҳар қадамда қўшалоқ байрам тадбирларига гувоҳ бўламиз. Ана шундай байрам тадбири яқинда ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши томонидан пойтахтимизнинг "Кўкча "махалласида бўлиб ўтди. Дастлаб тадбирни маҳалла фаоли Гўзал Ғаниева очиб, йиғилганларни байрам билан табриклади. Унда сўзга чиққан ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилшод Исамитдинов, раис ўринбосари Наргиза Аҳмедова ҳам байрам иштирокчиларини мустақиллик айёми билан муборакбод этиб, ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари ҳамда бугунги кунда партия томонидан қилинаётган қатор амалий ишлар ҳақида гапириб ўтдилар.

Асосан маҳалла аҳли, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар иштирок этган байрамда партия туман кенгаши томонидан тўкин дастурхон тузатилиб, ош тортилди. Санъаткорларнинг шўх куй-қўшиқлари кечага янада хуш кайфият бағишлади. Тадбир давомида ЎзМТДП туман кенгашининг эсдалик совғалари улашилди. Айниқса, совға олган болажонларнинг қувончи янада ортди.

— Бугунги байрам жуда яхши ўтяпти, чиройли қўшиқларга мазза қилиб, дугоналарим билан рақсга тушяпман. Бизга ҳар хил ўйинчоқлар совға қилишди ва бундан жудаям хурсандмиз,- дейди жажжи қизалоқ Мадинахон Хожиахметова.

Байрам муносабати билан кўча ва ҳовлилар маҳалла аҳолиси томонидан ҳашар йўли билан ободонлаштирилди.

Бу каби тадбирлар ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотларида ўзгача руҳда бўлиб ўтмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Сирдарё вилоят ва Гулистон шаҳар кенгашлари «Ёшлар қаноти», «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Мустақиллик фарзандлари» деб номланган тадбир ҳам мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланди. Унда вилоятдаги 10-14 ёшдаги болажонлар иштирок этдилар.

Кўнгилочар тадбирда болажонлар ўзаро гуруҳларга бўлинган ҳолда турли спорт ўйинларини ташкил этишди. Ватанимиз тарихини ўрганишга бағишланган зукколар баҳси тадбирнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Тадбир доирасида жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган расмлар танлови ҳам бўлиб ўтди. Ёш рассомлар ўз ижодларида азим шаҳримиз манзараларини акс эттирдилар. Унинг сўнггида иқтидорли, қобилиятли, зукко ва ҳозиржавоб болажонлар партия вилоят кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шаҳар маданият уйининг ёш санъаткорлари ўз концерт дастурлари билан кечага янада файз бағишлашди.

Истиқлол нашидаси ва байрам нафаси ЎзМТДП Асака шаҳар "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилаётган тадбирларда ҳам ўз аксини топмоқда. "Камолот" ЁИҲ вилоят, партия туман ва шаҳар кенгашлари, "Ёшлар қаноти" фаоллари ва ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари иштирок этган тадбир "Биз мустақил юрт фарзандларимиз" деб номланди. Уни партия шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Мўйдинов очди ва олиб борди. Шаҳар партия кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Х.Дадабоев, "Ёш лидерлар ассоциацияси" лидери Б. Мамадалиев, ФЖЎИ МАТМ илмий ходими Ш.Валиев мустақиллик мамлакатимиз ёшлари тақдирида жуда катта аҳамият касб этишини, улар айнан истиқлол шарофати билан дунёга чиқишаётганини ва ёшларимиз ҳам мана шу эътибор ва рағбатга муносиб жавоб қайтаришлари лозимлигини таъкидлашди.

— Мен ўзимни чин маънода бахтиёр инсон ҳисоблайман,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Сардор Даминов. — Бунинг исботини сўз билан таърифлаш қийин. Аммо бир сўз билан айтганда шубҳасиз, юртимиз мустақиллиги ва озодлигида дейман. Тенгдошларимнинг илм-фан, спорт, санъат соҳасида эришаётган ютуқлари, тараққий топаётган мамлакатимизнинг тобора жаҳонга бўйлашиб бораётганидан ҳам истиқлолнинг чинакам саодат эканлигини англаймиз. Олдимиздаги вазифа эса уни доимо асраб-авайлаш ва ота-боболаримизга муносиб ворислар бўлиб камол топишдир.

Узоқ давом этган тадбир ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат ва мустақилликка садоқат тушунчаларини янада бойитгани билан аҳамиятлидир.

"Мустақиллик — улуғ неъмат" мавзусидаги ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан 27-махсус мактаб-интернатида бўлиб ўтган тадбирни мактаб директори Ҳалима Нуруллаева кириш сўзи билан очди. Унда "Мустақиллик энг улуғ неъмат" мавзусида ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ш.Раҳимов,"Истиқлол ва миллий қадриятлар" мавзусида партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Б.Норбоев, "Мустақиллик-ёшлар нигоҳида" мавзусида Д.Шарипов, "Мустақиллик-миллий қадриятлар асоси" мавзусида Д.Шомуродова маъруза қилдилар. Давра суҳбатида мустақилликни асраб-авайлаш, ёш авлод онгига эзгулик, ватанпарварлик, юртга садоқат тушунчаларини сингдириш борасида фикрлар алмашилди. Байрам муносабати билан ЎзМТДП шаҳар кенгаши томонидан мактаб-интернат кутубхонасига кўплаб болалар адабиётлари туҳфа этилди.

Шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Сергели туман кенгаши ҳамда туман ФҲДЁ, Ички ишлар бўлимлари ҳамкорлигида тумандаги "Амир Темур" маҳалласида бўлиб ўтди. Истиқлол айёми ва азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар. Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шавкат Ибрагимов очди ва истиқлол ҳалқимизнинг чинакам ютуғи эканлигини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Мустақилликнинг халқимизга берган имконият ва ютуқларидан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биргина миллий ўзликни англаш ва бой маънавий меросимизнинг яна тикланиши, бетакрор тарихимизнинг қайтадан ўрганилишининг ўзиёқ ҳурликнинг бебаҳо неъмати эканлигини исботлаб турибди.

Тадбирда иштирок этган ёшлар ҳаётида ширин хотиралар билан бир умрга муҳрланиб қолади, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки шу куни маҳалла ёшларининг бир гуруҳига фуқаролик паспортини топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Уларга етуклик гувоҳномасини топширган туман ФҲДЁ раиси Арофат Рустамова, ИИБ милиция майори Қодир Ҳошимов ёшларга паспортга эгалик бу ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи бўлиб, жуда катта ишонч ва масъулият эканлигини айтиб ўтишди. Бу каби эзгу ниятлар фуқаролик паспорти эгаси бўлган ёшларни келажакда ўз билим ва интилиши билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга чорлади.

Бугун озод юртимизнинг ҳар бир обод гўшасида энг улуғ ва энг азиз байрамимиз мана шундай кўтаринки кайфиятда давом этмоқда. Тадбирлардан кўзланган мақсад эса битта, у ҳам бўлса истиқлолни асраб-авайлаш, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш каби бурч ва масъулиятни ватандошларимиз қалбига янада чуқурроқ сингдиришдан иборатдир.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
Махбира АБДАЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Пленум танқидий руҳда ўтди

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кенгаши аъзолари ва фаоллари иштирок этдилар.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кун тартибида ЎзМТДП вилоят кенгаши томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар ва ижро интизоми, ЎзМТДП шаҳар ва туман кенгашлари томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги байрами муносабати билан жойларда тадбирлар ташкиллаштириш, аъзолик бадалларини тўлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Пленум ишини ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Норбоев олиб борди. Унинг сўзларига кўра ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони моддий техник базаси сезиларли даражада яхшиланган. Вилоятда 13та туман ва шаҳар партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар тўлиқ фаолият олиб бормоқда. Айни кунда вилоят бўйича партия аъзолари сони 7499 нафарни ташкил қилиб, бу ўтган даврдагига нисбатан 370 нафарга кўпдир.

Партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси йил дастуридан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан тузган иш режа ҳамда ЎзМТДП Дастури асосида иш юритмоқда.

Туман, шаҳар ташкилотлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида турли мавзуларда 350 та оммавий тадбирлар ўтказилган. Пленумда партия нашри "Миллий тикланиш" газетасига обунани ташкил этиш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилиб,биринчи ярим йилликдаги обуна сони 1108 тага етказилганлиги, ушбу кўрсаткич иккинчи ярим йилликда 354тага тушиб қолганлиги қайд этилди. Бу партия туман, шаҳар кенгашларининг партия нашрига бўлган муносабатини кўрсатиб турибди.

Албатта, пленумда кескин танқидий фикрлар ҳам билдирилди. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Олима Рўзиева айрим шаҳар ва туман кенгашлари ҳамда жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаолияти қониқарли эмаслиги, белгиланган режа ва дастурларни жадаллик билан бажариш зарурлиги, йўқса муваффақиятга эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Айниқса, бошланғич партия ташкилотларини сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш долзарб масала эканлигини айтди. Шунингдек, йиғилишда аъзолик бадалларини йиғишда сусткашликка йўл қўяётган ЎзМТДП Пешку, Когон, Бухоро, Ғиждувон туманлари, Бухоро шаҳри кенгашлари фаолликка чақирилди. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Равшан Худойқулов иштирокчилар эътиборини баъзи бошланғич партия ташкилотларининг иш режаси йўқлигига, қолаверса, уларнинг раҳбарларини малакасини ошириш ва ўқитиш келгусида яхши самара беришига қаратди.

Музокарада сўзга чиққан ЎзМТДП Когон туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Зулфия Тўйева, Олот туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Гулчеҳра Рўзикулова, Жондор туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Музаффар Шаропов ҳам кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Пленумда яқинлашиб келаётган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш борасида ҳам фикр алмашилди.

Пленум сўнггида кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Аёллар соғлиги — юрт бойлиги

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мамлакатимизда аёлларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини кучайтиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. ЎзМТДП Чироқчи туман кенгаши томонидан ҳам бу каби ишларни амалга ошириш кенг йўлга қўйилган.

- Аёл миллат кўзгусидир. Фақат соғлом, оқила, билимдон аёлдангина эл-юрт фахрлана оладиган ворислар дунёга келади. Хотин-қизларнинг юксак маънавиятли, илм-фанга жалб қилишда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлар ва анъаналарни уларнинг онгига чуқур сингдириб бориш зарур. Шу билан бирга уларнинг жисмонан соғлом бўлишлари учун спорт билан шуғулланишларига ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим,- дейди ЎзМТДП Чироқчи туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммади Келдиев. Етакчи билдирган фикрлар амалий кенгашнинг фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Яқинда ЎзМТДП туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси асосида аёллар ўртасида "Йил аёли" кўрик-танловининг спорт йўналиши бўйича туман босқичи ўтказилди. Унда турли соҳаларда меҳнат қилаётган 240 нафар хотин-қизлар спортнинг узоқ масофага югуриш, узунликка сакраш, волейбол, шашка, шахмат турлари бўйича беллашдилар. Танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Истиқлол - ғуруримиз, ифтихоримиз

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугун озод ва обод юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг мустақиллигимизнинг 18 йиллигини муносиб кутиб олган юртдошларимизнинг юзларидан ҳали байрам шукуҳи сезилиб турганига гувоҳ бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий Офицерлар уйида энг улуғ ва энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси "Аёллар қаноти" ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Мустақиллик – ғуруримиз, ифтихоримиз" мавзусидаги байрам тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, пойтахтимиз ҳарбий қисмларида хизмат ўтаётган офицерлар ва аскарлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари, полковник Тоҳир Ҳамроқулов очиб, иштирокчиларни байрам билан қутлади. Нотиқ ўз сўзида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилаётган катта эътибор, соғлом авлод тарбияси, оила фаровонлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги, шунингдек, мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш ҳамда халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида миллий армиямизни такомиллаштириш борасида эришилган ютуқларга алоҳида тўхталди. Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда сиёсий партияларнинг ҳам муносиб ўрни мавжудлигини таъкидладилар.

Тадбирда Республика болалар бадиий ижодиёт маркази томонидан ижодий кўргазма ташкил этилиб, унда болажонларнинг Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси тасвирланган ижодий ишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли ижодкорлари ҳамда таниқли санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ПЛЕНУМ

Истиқболимиз фаолликка ундайди

Пленум ишчанлик руҳида ўтди ва иштирокчилар ундан тегишли хулосалар чиқариб олдилар

Нукусда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги фракцияси ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари аъзолари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Пленум кун тартибидаги биринчи масала – Ўзбекистон мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ўтказишда ЎзМТДП ташкилотларининг вазифалари ва ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ва сайловларга тайёргарлик кўриш чоратадбирлари юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реймов маъруза қилди. У ўз сўзида мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

- Ўтган қисқа давр ичида ҳаётимизнинг турли жабҳаларида мисли кўрилмаган даражада, асрларга татигулик ишлар амалга оширилдики, бу серқуёш Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир кишининг қалбида фахр туйғусини уйғотиши шубҳасиз - деди нотиқ. - Узоққа бормасдан, биргина Қорақалпоғистонда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини олиб кўрайлик. Бундан етти – саккиз йил аввалги Нукус шаҳрини кўрган киши бугунги ўзгаришлардан ҳайратланиши аниқ. Шаҳримизга чирой қўшган, кенг ва равон йўллар, янгидан қурилган "Манеж" спорт мажмуаси, "Турон" стадиони, "Орол" сузиш бассейни, Нукус деҳқон бозорининг янги қиёфаси, мустақилликнинг 18 йиллиги арафасида қуриб битказилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси биноси ва унинг майдонидан муносиб ўрин эгаллаган шоир Бердақнинг ҳайкали, ҳар томонлама қулай илм-маърифат даргоҳлари ҳамда кўплаб меъморий иншоотлар кўнгилда ифтихор туйғусини жўш урдиради, юксак орзулар билан яшашга ундайди. Ва энг асосийси, юртимиздаги фаравон ҳаёт, барқарорлик ва осойишталик, юртдошларимиздаги эртанги кунга бўлган юксак ишонч бугунги турмушимиз даражаси кўрсаткичидир. Айниқса, ёшларимиз дунёқарашидаги ўзгаришларни қиёслайдиган бўлсак, улар она Ватан, миллий ғоя, миллий қадрият ва анъаналар, аждодларимиз мероси каби эзгу тамойилларга асосланган, аниқ мақсад ва буюк келажак сари интилаётган юксак тафаккур эгаларидир.

Албатта, бу тараққиёт замирида давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати ва ёшларга бўлган ғамхўрлиги мужассам. Яна бир ҳақиқат шуки, бугун жаҳондаги кўплаб мамлакатлар иқтисодий инқироздан азият чекаётган бир пайтда, узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли унинг салбий таъсири мамлакатимизни четлаб ўтиши энг катта ютуғимиздир. Шу маънода, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилди, фуқаролик жамияти қуриш борасида салмоқли қадамлар ташланди, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошди.

Шу билан бир қаторда, демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан ҳисобланадиган кўппартиявийлик тизими асосида мамлакатимизда вужудга келган сиёсий партияларнинг кенг кўламда фаолият юритишлари учун ҳам ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан қулай шарт-шароит яратиб берилдики, бу сиёсий партияларнинг шаклланиши, фуқароларимиз ичига ўз ғоя ва мақсадлари билан кириб боришларига замин яратди. Бошқа сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз Устав ва Дастурига мувофиқ мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларда, жамиятимизни янада демократлаштириш, фуқароларимизнинг фаоллигини ошириш, давлат бошқаруви ҳамда қарорлар қабул қилишда партиямизнинг ўрни ва ролини кучайтириш, келажагимиз ворислари бўлмиш ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндашиш, уларни турли ёт ғоялар ва ташқи таҳдидлардан асрашда миллий – маънавий мерос ва анъаналаримиздан самарали фойдаланиш, миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, партиямиз тарафдорлари ва сайловчилар ишончини қозонишга эришиш каби вазифаларни ўз олдига қўйган ва уларни амалга ошириш йўлида бор куч ва салоҳиятидан фойдаланишга интиляпти.

Партия етакчиси бу ишларни айниқса, Юртбошимиз томонидан белгиланган жорий "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да янада кучайтириш, қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий – сиёсий ва маданий савиясини оширишда иштирок этиш сингари вазифаларга эътибор қаратди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва барча туман, шаҳар ташкилотлари томонидан сайловга ҳозирлик кўриш ишлари бўйича пухта ишлаб чиқилган режа асосида тадбирлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, маърузачи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки ва сайловларга тайёргарлик кўриш масалаларига атрофлича тўхталди. Мамлакатимизда жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган ушбу муҳим сиёсий воқеанинг жамиятимизда тутган ўрни ва партиямизнинг сайловдаги иштироки хусусида у шундай деди:

- Аҳолининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, мамлакатни янгилаш ва ислоҳ қилиш, қонунчилик, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг фаол иштирокига эришиш учун барча зарур ҳуқуқий меъёрлар ва шарт-шароитлар яратилган ва бу тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Чунончи "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиради. Амалдаги қонунларда сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва кенг имкониятлар яратиш, сиёсий партиялардан Қонунчилик палатасига, маҳаллий кенгашларга сайланадиган депутатларни сайлаш тартиби, депутатликка сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, депутатлар сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, депутатлар фаолияти билан боғлиқ бир қанча масалалар ўзининг аниқ ечимини топган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва барча туман, шаҳар ташкилотлари томонидан сайловга ҳозирлик кўриш ишлари бўйича пухта ишлаб чиқилган режа асосида тадбирлар бошлаб юборилган. Шу мақсадда жойларда, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида партия электоратини шакллантиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Пленум ишида партия республика кенгашининг 2009 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Бу масала бўйича сўз олган партия республика кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Кенгесбой Реймов ЎзМТДП туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, партия ҳайрихоҳлари ва сайловчилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири эканлигини айтди. Шунингдек, партия ишини янада жадаллаштириш, партия ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, партия сафига ғоямизга содиқ, мақсад ва вазифаларимизни қўллаб – қувватлайдиган аъзоларни жалб этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, партиянинг 2009 йилга мўлжалланган умумлаштирилган сметасининг биринчи ярим йилликдаги ижроси ва аъзолик бадалларининг тушуми тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Пленумда бундан ташқари, партия ҳаёти билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум сўнгида биз иштирокчиларни суҳбатга тортдик:

Озод Матмуратов, ЎзМТДП Амударё туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси: — Дарҳақиқат, пленумда партия етакчиси маърузасида ҳам таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз улкан тарихий йўлни босиб ўтди. Яна бир жиҳат шундаки, пленумда партия олдида турган муҳим масалалар белгиланди. Ўз навбатида биз ҳам тегишли хулосалар чиқаришимиз, олдимиздаги вазифаларни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Аввало, асосий эътиборни бошланғич ташкилотларга қаратишимиз керак. Ўйлайманки, пленумда партиянинг ўтган давр фаолиятига танқидий кўз билан қаралгани келажакда ўз самарасини беради.

Кенесбой Каримов, "Эркин Қарақалпақстан" ва "Вести Каракалпакстана" газетаси бош муҳаррири, ЎзМТДП республика кенгаши аъзоси: — Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш ва инсон ҳақ – ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий, маданий – маънавий соҳалардаги улкан янгиланишлар, бунёдкорлик ишларида сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритаётгани, уларнинг жамиятдаги роли ва ўрни тобора кучайиб, мавқеи мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Ўз ғояларига таяниб бу муҳим вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг халқ ичига чуқур кириб боришга интилаётгани жуда қувонарлидир. Яқинлашаётган сайлов партиямиз нуфузини янада оширишда кенг имкониятлар беради.

Валижон Ниязимбетов, ЎзМТДП Элликқалъа туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси: — Бугунги пленум менда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистондаги туб ўзгаришлар нафақат халқимизнинг, балки бошқа мамлакатларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Бунинг сабаби шуки, кўпчилик мамлакатлар фақат иқтисодий ривожланишга асосий эътиборини қаратаётган бўлса, юртимиздаги тараққиёт жараёни жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Шу боис ҳам биз ўз куч ва салоҳиятимизга таянган ҳолда ишимизни янада жонлантиришга ҳаракат қилишимиз керак.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Сайлов кампанияси даврида

ОАВ билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Сарвар ХУРРАМОВ,
Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида "Сиёсий партиялар фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан ишлашнинг аҳамияти" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда "Ёш сиёсий шарҳловчилар" клуби аъзолари, ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларининг "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия нашри — "Миллий тикланиш" газетаси ҳамда институт вакиллари иштирок этишди.

Тадбир жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёни, сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари ва сайловолди дастурларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага етказишнинг аҳамиятини очиб бериш ҳамда "Ёш сиёсий шарҳловчилар" клуби аъзолари ва журналист кадрларни сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Семинарни бошқарган ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев тадбирни очар экан, сайловолди кампанияси даврида аҳоли билан алоқа ўрнатишда ОАВнинг роли ва ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Шундан сўнг ФЖЎИ экспертлари, сиёсатшунослар ва журналистика соҳаси мутахассисларининг турли мавзулардаги маърузалари тингланди. Семинарда мутахассислар томонидан сайловолди ташвиқоти жараёнида партия матбуот органларининг вазифалари, хорижий мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятида ОАВ имкониятларидан ҳамда PR технологияларидан фойдаланишнинг шакл ва услублари борасида ўртага ташланган саволлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиб, баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

- Ушбу семинарда сайловолди тайёргарлик ишларимизни аниқ ва самарали амалга ошириш борасида керакли билимга эга бўлдим,- дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси "Ёшлар қаноти" раҳбари Искандар Дўстов. - Масалан, номзодлар сайловолди чиқишларида сайловчиларнинг бор-йўғи 20-25 фоизи билан учрашув ўтказиши мумкин, аммо ОАВда сайловчилар сони чегара билмайди.

Шунингдек, тадбирда сайлов жараёнларининг мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари орқали холис, ҳаққоний ва тезкор ёритилишини таъминлашда ОАВ вакилларини сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгартишлар билан яқиндан таништириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

- Семинарнинг биз учун аҳамиятли томони "Ёш сиёсий шарҳловчилар" клуби аъзоларига сайлов жараёнида депутатликка номзодларнинг ОАВ билан ишлаш режасини тузиб чиқиш ва бунинг унумли томони нимада эканлигини шарҳлаб бериш имконини берди,- дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси Камола Абдувалиева. - Партиядан кўрсатилган номзод сайлов жараёнида телевидение, радио, матбуот ва интернет орқали чиқишлар қилишда нималарга эътибор қаратиши лозимлиги ҳақида билимга эга бўлдик. Дарҳақиқат, бугунги кунда партия имиджини шакллантиришда биронта тарғибот усули оммавий ахборот воситаларидек етакчилик қилолмайди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, сайловолди жараёнларида партия имиджини шакллантириш усуллари ҳақида ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди. Бундай амалий машғулотлар эса семинар ишининг янада самарали ўтишини таъминлади.

Таъкидлаш лозимки, клуб бу каби ўқув-семинарларни йил давомида ўтказишни режалаштирган. Шунга кўра, навбатдаги ўқув- семинарда таҳририят жамоасининг ёш журналистлари, партия сафидаги етакчилар иштирок этишади ва мутахассислар ёрдамида сиёсий шарҳловчилик маҳоратини ўрганишади.

ТАРҒИБОТ

Тошлоқ туманидаги 1-сон мактабида ташкил этилган ЎзМТДП БПТига Гулзодахон Рўзиматова етакчилик қилмоқда. У мактабда ҳамшира бўлиб ишлайди. Яқинда БПТ етакчиси ташаббуси билан мактабда семинар ташкил қилинди.

Соғлом турмуш тарзи

Ёқубжон ЭРГАШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўқитувчилар ва ўқувчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтишини йўлга қўйишга эришиш, ҳар куни улар саломатлигини синчковлик билан назорат қилиб боришдан ташқари хасталикларнинг олдини олиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш борасида тушунтириш ишлари, суҳбатлар, танловлар ташкил этиш орқали ҳам яхши натижаларга эришиш мумкинлигига семинар иштирокчилари шу ерда яна бир карра амин бўлдилар.

Партия бошланғич ташкилотининг семинар ишига олий тоифали шифокор, умрининг 50 йилини аҳоли саломатлигини асрашдек шарафли ишга бағишлаб келаётган, Фарғона водийсида биринчи бўлиб "Биомультирезонанс терапия"ни ташкил этган Раҳматжон Матғозиевнинг таклиф этилгани айни муддао бўлди.

- Биз фуқароларимизни тиббий маданиятини оширмасак, соғлом турмуш тарзида яшашга, тўғри овқатланишга ўргатмасак дорихоналарни кўпайтириш билан халқимиз саломатлигини асрашдек олий мақсадга эришолмаймиз,- дейди биз билан суҳбатда Р.Матғозиев.

Мутахассиснинг амалий тавсиялари ва маслаҳатлари барчага манзур бўлди.

Тадбирда ҳамшира Мўътабархон Аҳмаджонова ибратли фаолияти учун ЎзМТДП Тошлоқ туман кенгашининг фахрий ёрлиғи ва совғаси билан тақдирланди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НИГОҲ

Ижтимоий муҳофаза

муҳим ва узлуксиз жараён

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, аҳолини иш билан бандлигини ошириш ва унинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан банд бўлмаган аҳолини бўш иш ўринларига жойлаштириш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш ҳамда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш каби устувор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи марказларга иш сўраб мурожаат этган 341,8 минг нафар аҳолидан 293,3 нафари ишга жойлаштирилди.

Жумладан, Инқирозга қарши кураш чоралари дастурига мувофиқ аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар доирасида 165,1 мингта, касаначиликни ривожлантириш бўйича 51,7 мингта, корхоналар томонидан пудрат шартномалари асосида ва оилавий бизнес соҳасида 56,3 мингта янги иш жойлари яратилди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ 534,6 мингта янги иш жойлари яратилди.

Таъкидлаш лозимки, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан аҳолини иш билан таъминлаш 2,9 % ўсишга эришилди. Албатта, бу каби кўрсаткичлар аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражаси бундан-да яхшиланишига хизмат қилади.

- Бутун дунёни ўз домига тортаётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўйди. Халқаро меҳнат ташкилоти глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида жаҳонда ишсизлик даражаси 2009 йилда 7,4 фоизга етиб, бу борадаги кўрсаткич жами 240 млн. кишига етишини башорат қилмоқда. Жорий йилда эса яна 50 млн. киши ишсизлар сафига қўшилиши кутилаётир. Бундай шароитда ҳар бир давлат олдида муҳим вазифа - аҳолини иш билан таъминлаш масаласи туради. Хўш, вазирлик томонидан бу борада қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

- Шукрки, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати, юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар натижасида мамлакатимиз инқирозининг бундай салбий оқибатларидан зарур даражада ҳимояланган.

Вазирлик томонидан янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор берилгани натижасида юртимизда ишсизлик даражаси ошиб кетишининг олди олинди. Бунда айниқса бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаларини мунтазам равишда ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Натижада ўтган ярим йил давомида 630 дан ортиқ меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, уларда 18,7 мингдан ортиқроқ иш берувчи ташкилотлар иштирок этишди. Ярмаркаларда ишга йўлланма олган 68,8 минг нафар фуқародан 42,5 минг нафардан ортиғини ёшлар ташкил этади. Бундай натижаларга туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказларининг бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш борасида вазирлик томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида эришилди.

- Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг самарали йўлларидан бири бу – соҳадаги ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар ва механизмларни такомиллаштириш саналади. Шу ҳақда фикр билдирсангиз.

- Вазирлик томонидан аҳолининг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқларини амалда мустаҳкамлаш масаласида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, текширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши тасдиқлаган режага мувофиқ Меҳнат давлат ҳуқуқий инспекцияси ва Давлат техник инспекторлари томонидан 944 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти текшириб чиқилди.

Текширишлар жараёнида меҳнат шартномаларини расмийлаштириш ва риоя этилиши бўйича 32,9 мингта ҳолатда, шу жумладан 2,8 минг ҳолатда иш ҳақи тўлаш бўйича меҳнат қонунчилигининг бузилиши аниқланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини бузган ҳолда фойдаланилаётган 247 та ишлаб чиқариш ускуналари иши тўхтатилди.

Бундан ташқари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан "Одам савдоси – қуллик балоси" мавзусида буклет тайёрланиб, 10 мингдан ортиқ нусхада республиканинг барча туман ва шаҳарларидаги тизим ташкилотлари орқали фуқароларга тарқатилди. Шунингдек, одам савдосини олдини олишга доир маълумотни ўзида акс эттирган қарийб 37 мингга яқин плакат, 99734 дона буклет тегишли корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга ҳамда фуқароларга тарқатилди.

Мазкур соҳада тизим органларининг фаолияти фақатгина текшириш ва тегишли чораларни қўллашдан иборатгина бўлиб қолмай, ўтган даврда меҳнат муҳофазаси қонунчилиги базасини такомиллаштириш мақсадида 24 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб (қайта ишлаб) чиқилди. Бундан ташқари аҳолининг мазкур соҳада ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида кўплаб тарғибот ишлари олиб борилди.

- Одам савдосига қарши курашиш бугунги куннинг долзарб муаммолардан саналади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ушбу иллатга қарши қандай чора-тадбирларни амалга оширмоқда?

- Бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан вазирликнинг 2008 йил 30 июлдаги 150-сонли буйруғи қабул қилиниб, унга мувофиқ, норасмий равишда чет элга ишлашга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатини тузиш мақсадида республиканинг барча туман ва шаҳарларидаги Бандликка кўмаклашувчи марказлар жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда мониторинг ўтказилди.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 2009 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 243 минг 673 нафар фуқаро норасмий равишда чет элга ишлашга чиқиб кетгани аниқланди. Шундан яшаш жойларига қайтиб келган 82670 нафар фуқаро (жами қайтиб келган фуқароларнинг 60 фоизга яқини) ишга жойлаштирилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Вазирликда бу иллатга қарши қатор давра суҳбатлари ўтказилиб, унда Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Олий суди, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Истиқболли авлод" нодавлат ташкилотининг вакиллари, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент шаҳар бюроси ва ҳудудий меҳнат бошқармаларининг маъсул ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида одам савдосидан жабрланганларни нормал турмуш тарзига қайтариш ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш мақсадида Тошкент шаҳрида Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

- Кечагина барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақилликнинг 18 йиллигини кенг тантана қилдик. Байрам шукуҳи ҳамон давом этмоқда. Вазирлик тизимида айни пайтда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

- Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифа Юртбошимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби" мавзуидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга ошира борган ҳолда аҳолини иш билан бандлигини ошириш ва унинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш йўналишида белгиланган масъулиятли топшириқларнинг ўз муддатида ва сифатли ижросини таъминлашдир.

Бу соҳада эришган ютуқларимизнинг барчаси ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаб, тараққиётнинг ўзимизга хос йўлини танлаганимиз, шу йўлдан қатъият билан бораётганимизнинг самарасидир.

«Milliy tiklanish» мухбири Камолиддин ҲОТАМОВ суҳбатлашди

ЖАРАЁН

Муқаддас бурч

Р.РЎЗМЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Барчамиз кечагина энг улуғ, энг азиз байрамимизни кенг нишонладик. Ана шундай файзли кунларда ҳар гал қалбимизни ўзгача бир ҳаяжон ва ҳис чулғаб олади. Беихтиёр ўтмишимизга назар соламиз. Бугунги фаровон ҳаётимизга эришиш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар ҳақида ўйлаймиз. Инсон табиати шундай: бирор нарсага қийинчилик билан эришсагина, қадрига кўпроқ етади. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликни жамият маънавий инқирозга юз тутган, тилимиз, урф-одатларимиз йўқолиб кетиш арафасида турган, миллий қадриятлари топталган бир вазиятда қўлга киритганимизни яхши англайди.

Истиқлол даврида мамлакатимизда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди, инсонлар онги, дунёқараши тубдан ўзгарди. Жамиятни янгилаш, ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Энг асосийси, мустақиллик йилларида мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва тотувлик таъминланди.

Ўзбекистон ўзининг эркинлиги ва миллий давлатчилигига тинч йўл билан эришди. Бу ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк воқелик сифатида эътироф этилди. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистон номи жаҳон тарихига муҳрланди ва мамлакат тараққиётининг янги демократик даври бошланди.

Маълумки, ҳар қандай мустақил мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этиш жараёнида ўзига хос андозаларни ишлаб чиқишга интилади. Шунингдек, бошқа мамлакатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва ўз шароитига мос келадиган илғор тажрибалардан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Сир эмас, истиқлолга эришган дастлабки йилларимиздаёқ давлатимиз раҳбарияти томонидан республикамиз тараққиётини таъминлай оладиган аниқ дастур тақдим қилинди.

Ушбу дастурнинг нақадар пухта ва узоқни кўзлай олганлигини бугун ҳаётнинг ўзи исбот қилмоқда. Чунки жаҳон миқёсида давом этаётган иқтисодий инқироз даврида ҳам мамлакатимиз собитқадамлик билан ривож топмоқда.

Мўҳтарам Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида инқироз даврида қандай чора-тадбирлар кўриш зарурлиги билан бир қаторда, инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. Ушбу дастур бўйича амалга оширилаётган аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фақат жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиб қолмай, 2009 йилнинг 1 ярим йиллигида иқтисодиётни барқарор ҳамда юқори суръатларда ўсишини ҳам таъминлади. Масалан, ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга ўсди. Инфляция 3,6 фоизни ташкил этиб, прогноз кўрсатгичларидан ошмади. Аҳолининг реал даромадлари 25,9 фоизга кўпайди. Жаҳонда молиявий иқтисодий инқироз авж олган бир даврда, республикамизда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 32,7 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 бараварга ўсиши таъминланди. Ишлаб чиқариш инвестицияларига жами инвестициялар ҳажмининг 71,7 фоизи йўналтирилди. Қурилиш ишлари ҳажми 32,5 фоизга ўсганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Бундан ташқари республикамизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг янада ривожланганлиги туфайли 534,6 мингта янги иш ўрни (2008 йилнинг шу даврига нисбатан 143,7 фоиз) шу жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 51,7 мингта касаначилик иш ўрни ташкил этилганлиги қувонарли ҳолдир. Республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, жумладан халқаро стандартлар талабларига жавоб бера оладиган кенг йўллар қуриш, йўлларни қайта таъмирлаш, модернизация қилиш, темир йўллар соҳасини ривожлантириш учун 2009-2013 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар қабул қилиниб, самарали тарзда амалга оширилаётганлиги республикамизнинг ривожланиш томон собитқадамлик билан бораётганини кўрсатади.

Республикамизда эришилаётган мувофақиятларнинг барчаси мустақиллигимиз туфайли эканини чуқур англаймиз ва ҳис қиламиз. Бугун ҳаммамиз эркинлик ҳавосидан нафас олмоқдамиз. Фуқароларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашдек эзгу ишлар асосий мақсад қилиб олинган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, истиқлол берган неъматлардир. Кези келганда айтиш жоизки, уни сақлаб қолмоқ, турли ёвуз кучлар хуружидан асраб, фаравонлик сари интилиш ҳаммамизга янада юксак масъулият юклайди. Шунингдек, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етмоғимиз, уни асраб-авайлашимиз ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Одам савдосига қарши кураш

амалий ишлар билан олиб борилмоқда

Анажон МАТЯКУБОВА, Боғот туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман идораларо комиссияси аъзоси

Бугунги кунда глобал муаммога айланиб улгурган, аллақачонлар "қора бизнес"нинг энг сердаромад туридан ўрин олган одам савдоси инсоннинг узвий ва дахлсиз ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг қадр-қимматини камситадиган ваҳшиёна қилмиш экани кўпчиликка маълум. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ушбу жиноий ҳаракат ортидан йилига тўрт миллионга яқин киши сотилиб, ундан тушган даромад 12 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур "бозор"нинг умумий айланма даромади 19 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Кўриниб турганидек, жиноятчиликнинг бу тури ҳам террорчилик ва диний экстремизм каби давлат чегараларини тан олмайди. Шу боис бу муаммо халқаро форум ва учрашувларнинг, қонун чиқарувчиларнинг диққат марказидаги асосий масалага айланган.

Мазкур жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан мамлакатимизда ҳам жиддий ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоралари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан жойларда амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Хоразм вилояти Боғот туманида жорий йилнинг ўтган даврида "Одам савдосига қарши курашиш" комиссияси аъзолари, тумандаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ҳудудлараро ва ўзаро ахборот айирбошлашни талаб даражасига етказиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиб, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир қилган шахслар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

2009 йилнинг 6 ойи давомида туман ҳудудида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида 14 та ариза келиб тушган бўлиб, улар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда ва жабрланганлар билан профилактик суҳбат ўтказилмоқда. Шунингдек, "Одам савдосига қарши курашиш" комиссияси аъзолари, тумандаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказишди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали одам савдосига қарши курашиш мақсадида бир қатор материаллар бериб борилмоқда. Шу билан бирга ушбу жиноят оқибатларини кўрсатадиган "Одам савдоси-қуллик балоси", "Ҳушёр бўлингиз, азиз одамлар", "Огоҳ бўлинг", "Алданиб қолманг" каби баннерлар таййёрланиб, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг одамлар гавжум жойларига илиб қўйилди.

"Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, туман халқ таълими бўлими, ФҲДЁ бўлими, туман имом хатиби, ИИБ билан ҳамкорликда таълим муассасаларида билим олиш билан бирга тарбия кўраётган ёш авлодни келажакда муносиб ўрин эгаллашлари ҳамда уларнинг одам савдоси жабрдийдаларига айланмаслик чораларини таъминлаш борасида маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда 160 та, касб-ҳунар коллежларида 12 та турли мавзуларда давра суҳбатлари ташкил қилиниб, уларга "Алданганлар" номли видеофильм намойиш этилди. Туман идораларо комиссияси ва таҳлилий ишчи гуруҳ аъзолари томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича ўтказилган ушбу тадбирлар, семинарлар, учрашувлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари фотосуратларга олиниб, фотоальбомлар тайёрланди. Шунингдек, тадбирларда кўргазмали қуроллардан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бу борадаги ишларни амалга оширишда, айниқса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларининг ёрдами кўп бўлмоқда. Улар орқали фуқароларга чет элга ишлаш учун расмий равишда кетиш тартиблари ва бу масалалар юзасидан қўшимча маълумот олиш мумкин бўлган манзиллар кўрсатилган буклетлар тарқатилмоқда. Иш билан банд бўлмаган фуқароларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш бўйича туман ҳокимининг қарори қабул қилиниб, унга кўра жорий йилда ёшлар, кўп болали оналар, ногиронлар, жазони ўташ жойларидан келганлар ҳамда Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатилганлар учун 334 та бўш иш ўринлари ажратилди. 2009 йил давомида 5774 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Бу борада ҚФЙ, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими, туман ИИБ, туман прокуратура органлари билан ҳамкорликда ўтган давр мобайнида уч марта бўш иш ўринлари Меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Ярмаркада жами 920 нафар киши қатнашиб, улардан 560 нафари турли корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилди.

Жойларда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, профилактик ишларни кучайтириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

МАЪНАВИЯТ

МИЛЛАТ ВА ЗАМОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунёнинг энг қудратли молиячилари олдига "Нима қилмоқ керак?" деган интеллектуал жумбоқ қўйилди. Раҳбари энг тўғри жавоб топган мамлакатлар халқи энг кам азият чекди. Юзлаб мамлакатлар халқи саросимада. Айрим фуқаролари ўз келажагига ишонмай, тушкунликка тушиб, ўзини ўлдирмоқда. Баъзи мустақил мамлакатлар ҳатто ўзлари таърифлаган иқтисодий бошқарув моделларини ўзгартиришга киришди.

"Вақт – ҳакам", деб тўғри айтилган экан. Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бутун дунё кўз олдида синовдан ўтди. У иқтисодий, молиявий тадбирлар орқали амалга кўчди. Тараққиётимиз кўрсаткичлари, оилаларимиздаги хотиржамлик, ўнлаб халқаро конференциялар хулосалари, юзлаб хорижий давлатлар арбоблари ва экспертлари эътирофи буни тасдиқламоқда.

"Ўзбекистон ҳеч қандай иқтисодий ва сиёсий бўҳронларга учрамай, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётир" (Абдулазиз бин Ҳорун – Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (Халқ сўзи, 2009-йил 1-август);

"Ўзбекистон чиндан ҳам тўғри йўлдан кетмоқда. ... кейинги йилда бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришса, ҳайрон бўлмайман. Шу кунгача дунёнинг ҳеч бир давлати бундай натижага эришмаган..." (Ричард Помфрет (Австралия);

"Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида инқирозга қарши кураш бўйича энг самарали чораларни амалга ошираётган давлатдир" (Доминик Строс-Кан (Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори);

"...Иқтисодиётни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган давлат дастурлари ўз самарасини бераётгани бунинг яққол далилидир" (Тошио Тоура – Ўзбекистоннинг Осака (Япония) шаҳридаги фахрий консули);

"...Ўзбекистон энг мушкул бир даврда иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларига эришишга муваффақ бўлди. Бу билан мамлакат инқироздан кейинги иқтисодий юксалиш учун ишончли асос яратди" (Хён Кёнг-тэк – Корея Давлат Тараққиёт институтининг собиқ президенти, "Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси лойиҳасининг мазкур институтдаги муҳокамаси);

"...Молиявий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш учун кўплаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса, арзийди" ("la Lettre Diplomatique" журнали. (Франция, 2009-йил июль).

"...Бундай ижобий натижага Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойилига асосланган ижтимоий сиёсатни юритиш ҳамда инқирозга қарши чораларни ўз вақтида қабул қилиш туфайли эришилди" ("ИнфоШОС ахборот портали); (Халқ сўзи, 2009-йил 31 июль).

Изоҳга ҳожат бормикин?!

"Вақт – ҳакам", деб тўғри айтилган экан. Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бутун дунё кўз олдида синовдан ўтди. У иқтисодий, молиявий тадбирлар орқали амалга кўчди. Тараққиётимиз кўрсаткичлари, оилаларимиздаги хотиржамлик, ўнлаб халқаро конференциялар хулосалари, юзлаб хорижий давлатлар арбоблари ва экспертлари эътирофи буни тасдиқламоқда.

Бу эътирофлар энг аввало ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб намоён этган интеллектуал, иқтисодий, молиявий, маънавий, ташкилий қудратимиз эътирофи эмасми? Шундай экан, ҳар сафар таомга қўл узатганда беш панжамизга боқайлик. У бизга мустақил, маҳобатли Ўзбекистонимизни тиклаган, халқимизни инқироз балосидан асраган ва ривожлантираётган БЕШ ТАМОЙИЛни эслатиб туради.

"ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" БОЗОРИНИНГ "ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ"ЛАРИ

Тан касаллиги – оғиздан кирса, руҳий, маънавий касаллик кўз, қулоқдан кириб, эгасини йўлдан оздиради. Четдан, биз учун мутлақо ёт, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари уларни кўрган, эшитган, тақлид қилган ёшларни маънавий бемор қилади. Маънавий касалликнинг иситмаси одамнинг ниятларида, айтган гапларида, қилиқ-қилмишларида ошкор бўла бошлайди. Ўз қадрдонлари орасида ўзини ўзгача, бегонача тута бошлайди. Ота-боболарининг миллий урф-одат, маънавий қадриятларига беписанд қараш даражасигача тубанлашади.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом дини ҳар бир мўминни ўз миллий қадриятларини қадрлашга, бировлар сирти – ялтироқ, ичи - қалтироқ қадриятларни кўз-кўз қилса, ўз миллатидан кечиб, уларга қўшилиб кетмасликка чақирган: "Ва сизлар бир миллат бошқа миллатдан (сон ё бойлик жиҳатдан) ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни (бузиб) алдов воситасида қилишингиз билан (яъни, бошқа бойроқ ва кучлироқ қавмни топсангиз, аввалги қасамларингиздан кечиб кетаверишингиз билан) худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча бузиб-чуватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз! Албатта, Оллоҳ бу (аҳдга вафо қилишга буюриш) билан сизларни имтиҳон қилур ва албатта қиёмат кунида сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизни баён қилиб берур"[1].

Мана шу даъват ҳозир – XXI асрда қайта янгради: **"Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди",-** деб огоҳлантирди бизни "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби.

Ҳа. "Оммавий маданият"ни истеъмол қилганлар бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм, маънавий негизларга беписандлик каби бизга хос бўлмаган маънавий касалликларга чалинади.

"Оммавий маданият"нинг тажовузи илгари ҳам учраб турарди. "Шум бола" фильмини бир эслайлик. Унда бир европалик Тошкент бозорларидан бирида ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига "оинаи жаҳони"дан ялангоч аёл суратини кўрсатади. Ҳозир ўша жанобнинг неваралари боболари касбини давом эттиришаётир. Бу ишни индустрияга айлантиришди. Уни одамларнинг инстинктларини уйғотиб, уларга хизмат қилувчи, ҳаммабоп, яъни ҳамманинг пулларини чиқариб, келтириб берувчи "оммавий маданият", деб аташди. Шунинг учун уни "Оммавий маданият бўлса, бу ҳаммабоп, яхши нарса экан-да",- деб тушунганлар ҳам йўқ эмас. Аслида бу ном ҳам атайлаб, асл ният ва мазмунни ниқоблаш мақсадида шундай қўйилган. Шунинг учун, устоз-педагогларнинг "бир нарсага ўхшатиб бўлмайдиган нарсани тушунтириб ҳам бўлмайди", деган ўгитларига амал қиламиз.

Соатлар ҳар хил бўлади – қуёш соати, сув, қум, механик, электрон, кварц соатлар.... Қуёш соати - қуёшсиз, сув соати - сувсиз, қум соати - қумсиз, электрон соат – электр токисиз, кварц соат – батареясиз ишламайди. Фақат механик соатнинг ишлаши эгасига боғлиқ. Қулоғини бураб, "дам солса", юраверади.

Кварц соат - бошқача. "Аввал батареянинг пулини тўлаб қўйинг, хўжайин",- дейди гўё. Батареясиз соат – бефойда матоҳ. Соат сизники, лекин унинг юриши сизга эмас, батареяга боғлиқ. Батарея эса уни ишлаб чиқарувчига боғлиқ. Мана энди сиз батарея ишлаб чиқарувчининг муҳтожига айландингиз. Кимдир сизнинг компьютерингизга тушсин, деб "Чувалчанг", "Троян оти", "Почта жўнатмаси", "Эльвис Пресли" деган вирусларни тайёрламоқда. Вирус тушса, антивирусини топишга ҳам ўзлари "ёрдам берворишади". Тўлаб қўйсангиз бас. Ана шундай.

Разм солсак, нафақат батареяга, антивирусга, балки улардан ҳам муҳимроқ эҳтиёжларимизни эгаллаб олишга интилаётган гуруҳлар борга ўхшайди. Масалан эстетик, маданий эҳтиёжларимизни. Улар анчагина ишни қилиб ҳам қўйишибди. Улар ким бўлди? Улар - "оммавий маданият маҳсулотлари"ни ясовчилар. Дастурхонимизга қаранг. Гибрид (ясама) бемаза олмалар дастурхонимиз тўрига чиқиб олди. Ўзимизнинг ширин Бахмал олмаларини сиқиб чиқармоқчи. Таъми - сувдай. Чиройли, лекин на ҳиди, на мазаси бор.

"Оммавий маданият" замонавий, технократик, лекин миллий эмас. Шунинг учун муҳаббатни – секс, меҳнатни – бизнес, бировга яхшилик қилишни – зарарли инвестиция, "ресурсларни мақсадсиз сарфлаш", ҳаё, андишани – имкониятни бой бериш, ота-боболар ўгитларини – эскилик сарқити, деб билади.

LIVEJOURNAL: "УЧ ОИЛА ТУЗИЛДИ, ИККИТАСИ БУЗИЛДИ"

Ҳа. "Livejournal" интернет журналининг ёзишича, Россияда 1990 йилдан шу кунгача қурилган ҳар уч оиладан иккитаси бузилган. Шу кунларда «Известия» газетаси "Россияда ҳар 1000 оиланинг 800 таси бузилмоқда", деган хабарни тарқатмоқда. Статистика 1997-2000 йиллар орасида дунё бўйича энг кўп ажрим АҚШда қайд қилинганини маълум қилади. Педагог-психолог олимлар ғарб дунёсида қурилаётган ҳар иккинчи оиланинг бузилишини башорат қилмоқдалар. Оила деган тушунча барбод бўлмоқда. Бузилиш суръати даҳшатли.

Британиялик педагог олим, доктор Родс Бойсан ғарбдаги оила инқирози сабабларини ўрганиб, шундай дейди: «Британиянинг ҳар еттинчи боласи нотўлиқ оилада яшаяпти. Менимча, ўсмирлар агрессиясининг асосий сабаби - уйда ота йўқлиги. Ўғил бола отасининг характеридан, қатъиятидан куч олиб тарбияланади. Ота йўқлигидан ўғил болалар жамиятдаги жангари тўдаларга тақлид қила бошлайдилар. Бу эса уларни жиноятчилар ҳаёти, турмуш тарзига олиб киради". Бойсан оилалардаги ажримларнинг асосий сабабларидан бири Ғарбдаги ахлоқий тубанлашув ва гомосексуализмнинг либераллашувидир, дейди.

Тарихнинг ўн саккиз лаҳзаси

Россияда "никоҳ"ларнинг янги-янги шакллари юзага келмоқда. Бу ҳақда юрист ва оилавий муносабатлар бўйича консультант Михаил Лабковский шундай гувоҳлик беради: "Москвада оила институти ўткир инқирозда. Ҳозир оиланинг ранг-баранг турлари пайдо бўлди. Масалан, **"Синовдаги оила":** Бунда эркак ва аёл никоҳдан ўтмай, бирга яшайди. Ўз туйғуларининг мустаҳкамлигини "синовдан ўтказишади". **"Муддатли оила":** Бу оила 1, 3, 6 ойлик шартнома асосида тузилади. Муддат тугагач, оила бузилади. Ҳоҳлашса, янги "муддат"га шартнома тузишади. Ҳоҳлашмаса, йўқ. **"Меҳмонхона-оила":** Қонуний никоҳдан ўтишади. Бироқ, эр ва хотин алоҳида яшашади. Бирга рўзғор юритмайдилар. Эр-хотин муносабатларини амалга ошириш учун учрашиб турадилар. **"Коммунал оила":** Бунда бир неча эркак ва аёллар бирга яшашади. Туғилган болалар, рўзғор, жинсий муносабатлар ҳам умумий бўлади. **"Эркин оила":** бу - анъанавий оила. Бироқ, бундай оилада эр ҳам, хотин ҳам бегоналар билан бемалол жинсий алоқалар қилиши мумкин. Дунёда "оммавий маданият"га асосланган "оммавий оила"нинг шаклу шамойили сезилиб бораяпти. Бу - никоҳсиз, қонуний рўйхатсиз, барча аёлларнинг барча эркаклар билан қурадиган "оила"си бўладиганга ўхшайди.

Хуллас, оиладек муқаддас қўрғоннинг бузилиши - маънавий бузилиш, маънавий айнишдан бошланиши маълум бўлади. Чунки олимлар оилаларни: шошиб, ўйламасдан ёки "ҳисоб-китоб" билан турмуш қуриш; хиёнат; характер, қарашларнинг тўғри келмаслиги; оила қуришга психологик, амалий тайёр эмаслик, инфантилизм, турмуш масалаларида нўноқлик, бир-биридан ҳафсаласи пир бўлиш; ичкиликбозлик парчалаётганини аниқлашган.

Мустақил Ўзбекистон дунёда бошланаётган оила институти инқирози таъсиридан миллий маънавият қўрғони бўлмиш оилаларни ҳимоялаш, мустаҳкамлаш, оиланинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб билади. Бу ҳар бир ориятли ўзбекистонликда ифтихор уйғотади. Шундай эмасми?

НОТАНИШ ОТАХОН ЭЪЗОЗИ

Маънавият бизнинг уйда, тўйда, ишда, йўлда, ҳар бир минутимизда, ҳар бир қадамимизда ҳамроҳ. Маънавиятнинг "эзгу иш"га кўчганига замонавий мисоллар кўп. 2009 йил 2 август, соат 07:55. Тошкент шаҳрининг "Дўмбираобод" тўйхонасида меҳмонлар ўзбек маънавиятининг ялт этган бир ноанъанавий намойишини кўришди. 80 ёшлар чамасидаги бир мўйсафид тўйхонага кириб келдилар. Отахон икки ҳассага осилиб, мажолсиз турар. Оёқларини зўрға кўтариб босарди. Бу аҳволда 40 метрли тўйхонанинг тўрига етиши учун 10 минутдан ортиқ вақт кетарди. Отахон: "Мени мана бу ерга, эшикка яқин ўтқазсанглар ҳам бўлади", деб энг яқин столни кўрсатиб, имлади. Отахонга "келинг-келинг" қилиб турган мезбонлар бир-бирларига "Нима қилдик?" деб иккиланиб қолишди... (Мана ҳозир мезбон йигитларнинг ўй-фикри, маънавияти ташқарига чиқиши керак-....Қани нима бўларкан?!)

Йўқ! Отахоннинг ҳурмати жойига қўйилиши керак. Ана шунда кутилмаган ҳодиса рўй берди: тўйда хизмат қилаётган йигитлардан бири отахонни қучоқлаб олиб, забт кўтарди ва бағрига босиб, ... тўйхонанинг тўрига элтиб, ўтқазди. Отахон 40 метрлик йўлда ўзининг мард, нотаниш "йўлдош"идан кўзларини узмай, кулимсираб борарди.

200 дан ортиқ меҳмонлар "лаган ва қошиқлар симфонияси"ни чалишдан тўхтадилар. Бир ўзбек йигитининг фаросатига, ғайратига, маънавиятига ҳамду сано айтиб, ҳавас билан кузатиб турдилар. Тўкин-сочинликдан, тўқликдан зериккан бефарқ кўзларда меҳр порлади. Бу – 25 ёшлардаги бир йигитда ўзбек маънавиятининг "юзага чиқиши" эдида. Демак, ана шундай йигитлари бор миллатнинг юки ерда қолмайди.

"Оммавий маданият" ҳукмрон жамиятда шундай бўлиши мумкинми? Асло. Чунки биринчидан, мўйсафид – қариялар уйида ётган бўларди; иккинчидан – тўйга келса ҳам (тантана-шоу эгасининг имиджига зарар етказмаслиги учун) киритилмас эди; учинчидан - ўзбекча маънодаги тўйлар (демак, тўйхоналар ҳам)йўқолиб кетарди; тўртинчидан, йигит "Менга нима?", деб ўзини четга оларди-қўярди.

"Оммавий маданият" маркетинг қоидалари асосида ишлайди. Аҳолининг маданий эҳтиёжларини сегментлаштиради. Болалар, ёшлар, ўрта ёшлилар, катталарнинг эҳтиёжларини ўрганиб, бузиб, ўзига мослайди. Уларга "Тошкент ироғи"ни "Тошкент ароғи" деб тушунадиган авлодлар керак.

Ақл нафсга бўйсундирилса, жиноятлар, бузуқликлар урчийди. "Оммавий маданият" шунинг тарафдори. Нафс ақлга бўйсундирилса, фазилатлар, яхшиликлар, одамнинг инсонлиги камолга етади. Ота-боболаримиз, миллий маънавиятимиз ана шунинг тарафдори.

СОҒЛОМ ТУРМУШ, ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИДА

Ўзбекни ўзбек қилган қадриятлар нафақат нафис осори атиқалар, санъат, урф-одатлар... Миллатимизнинг истеъмол, соғлом турмуш маданияти, миллий таомлари ҳам унинг минг йилликлар давомида синаб, сақлаб келган қадриятлари эмасми? Келинг, ўзликни англаш ниятимиз билан атрофимиздаги одатий нарсаларга яна бир қарайлик. Ана шунда ўзбекнинг ҳар бир удуми, буюми, таоми инсоният учун нақадар қадрли эканлигини кўрамиз.

Яқинда дунёнинг машҳур ҳафтаномаларидан бири инсон ҳаёти, соғлиғи учун энг фойдали янги кашфиётларни эълон қилди. Биринчи кашфиёт. Унда қандай ичимликлар одам соғлиғига фойдали/зарарлилиги илмий тасниф-ланибди. Энг фойдали ичимлик – кўк чой экан. (Чойхўр халқимизни, бир спектаклда ёш келиннинг "Чой, чой, чой. Нимага бунча кўп чой ичишади булар?!" деб нолиганини эстушунади, қадрлайди", дейди газета. "Чунки ҳужайраларнинг мембранасини яратувчи модда фақат зиғир ёғида бор. Зиғирдан бошқа бирор ўсимлик мембрана учун модда ишлаб чиқармайди. Одам ана шу модда етишмагани учун тез кексалди". Мен зиғир ёғли ошни ўзбеклардек севадиган бошқа миллатни билмайман. Сиз-чи? Геронтологиянинг XXI асрдаги кашфиётини ўзбеклар 1000-2000 йил олдин ўз таомнома(меню)сига айлантириб, ўз таомларини ана шундай юксак илмий талаб асосида тузишган экан-да!

Сиз агар киришсангиз, бундан ҳам яхши мисолларни топасиз. Ҳамма соҳадан. Демак, агар биз ўзлигимизга "қайтсак", ҳозир бизга маслаҳат бераётганлардан 1000-2000 йил олдинда эканлигимизни англаймиз.

Ҳар бир киши аввало ўзини, фарзандлари, қариндош, дўст, қўшниларини бундай маънавий эпидемиялардан ҳимоя қилиши керак. Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби барчамизни, бутун инсониятни бундан огоҳлантирди. Демак, биз қанчалик ўзлигимизга яқин борсак, цивилизациянинг шунча юқори даражасига кўтариламиз.

"Оммавий маданият" фақат ўзбекнинг эмас, барча миллатларнинг маданиятларига хуруж қилмоқда. Бундай вазиятда ўзлигига содиқ ва замонавий миллат ютади. "Оммавий маданият" гирдобига тушган миллат ундан чиқа олмайди.

ХОТИМА

Ҳар бир киши аввало ўзини, фарзандлари, қариндош, дўст, қўшниларини бундай маънавий эпидемиялардан ҳимоя қилиши керак. Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби барчамизни, бутун инсониятни бундан огоҳлантирди. Демак, биз қанчалик ўзлигимизга яқин борсак, цивилизациянинг шунча юқори даражасига кўтариламиз.

"Оммавий маданият" фақат ўзбекнинг эмас, барча миллатларнинг маданиятларига хуруж қилмоқда. Бундай вазиятда ўзлигига содиқ ва замонавий миллат ютади. "Оммавий маданият" гирдобига тушган миллат ундан чиқа олмайди.

Ўзбекнинг ўзлигига садоқати Ўзбекистонни XXI асрнинг маънавий пойтахтига айлантиради.

Муҳаммад ҚУРОНОВ

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Миллий тикланиш ва тараққиётимизнинг ўзимизга хос "ўзбек модели" бозор иқтисоди муносабатларига асосланган бутунлай янги ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирди.

Шартнома интизоми

унга риоя этиш-давр талаби

Равшанжон ҚИРҒИЗОВ, Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, барча жабҳада қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ҳамда ислоҳотларнинг тарихий асосда босқичма-босқич амалга оширилиши боис шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам мутлақо янгича меъёрларга солинди. Бу борадаги қонунлар, қонуности ҳужжатлари йилдан-йил халқаро андозалар талабларига мос равишда мукаммаллаштириб борилмоқда. Шу боис шартнома интизоми ва унга риоя қилиш мажбурияти вазифадан оддий бурчга айланиб улгурди.

Шартнома интизомига доир бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. 1998 йил 29 августда қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқий тартибот органлари қатори адлия тизимига ҳам шартномалар ижроси юзасидан назорат қилиш мажбурияти юклатилган.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан мазкур қарорларни ижроси бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарманинг шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 84 та хўжалик юритувчи субъектларида 23.867 та шартнома ўрганиб чиқилди. 1.623 та шартнома қонун талабларига номувофиқ тузилганлиги аниқланиб, қайта тузиш чоралари кўрилди. Ўрганиш жараёнида шартнома муносабатларининг бузилиш ҳолатлари кўпроқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ихтисослашган хўжаликлар ҳамда уларни харид қилувчи, тайёрловчилар ўртасида учраши аниқланди. Бўлим томонидан 6 ой давомида ўтказилган назорат натижаларига кўра судларга 387 та 886.859.125 сўмлик даъво аризалар киритилди. Жумладан, 2008 йилда етказиб берилган пахта хомашёси бўйича тўловларни шартномада белгиланган муддатларда амалга оширмаганлиги учун "Пахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги корхоналарга хўжалик манфаатини кўзлаб 87 та 101.222.779 сўмлик, пилла хомашёси қийматини тўламагани учун "Пилла" бирлашмаси тизимидаги корхоналарга нисбатан 86 та 13.100.159 сўмлик, "Ўзагромашсервис" тизимидаги корхоналарга нисбатан эса 5 та 27.270.786 сўмлик, "Ўзбеккимёсаноат"га нисбатан 5 та 3.734.938 сўмлик, шунингдек, бошқа идоралар манфаатини кўзлаб 204 та 741.530.463 сўмлик даъво аризалари киритилди. Бу аризалар вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиб, амалдаги қонунлар асосида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди. Адлия ходимлари аниқлаб, манфаатдор томонлар ҳақ-ҳуқуқини тиклаш юзасидан киритилган даъво аризалари асосида жавобгарлардан тегишли миқдорда пул ундириш ва бошқа чоралар кўрилди.

Бундан ташқари ўрганиш натижалари бўйича 104 та шартномадаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилди. Тақдимномалар ижроси бўйича 117 та мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди ва 7 та мансабдор шахс ўз хизмат вазифасидан озод этилди.

2009 йилнинг 1-ярим йиллигида адлия бошқармасига фақат шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 133 та ариза келиб тушди. Ушбу ариза ва шикоятларнинг 103 таси кўриб чиқилди. Уларнинг 33 таси қаноатлантирилди, 20 нафар аризачига ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Кези келганда айтиш жоизки, фермерлар ҳақ-ҳуқуқларининг ўзгалар томонидан топташ ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, Бувайда туман фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш комиссияси ва туман ҳокимлиги томонидан "Маматқулий Муҳаммадшариф" фермер хўжалиги раҳбари И.Маматқуловнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиши тўғрисидаги аризаси асос қилинган. Аммо фермер адлия бошқармасига ёзган аризасида мазкур аризани ўзи ёзмагани, унда фермер хўжалигининг муҳри ва бурчак штампи йўқлиги, унинг номидан бошқа шахслар сохта ариза ёзгани қайд этилди. Аризани ўрганиш жараёнида юқоридаги камчиликлар аниқланди ва фермер хўжалиги ерини туман заҳирасига қайтарилишига сабабчи бўлган айбдор шахсларни аниқлаш, тегишли тартибда чора кўриш учун вилоят прократурасига таклиф киритилиб, жиноят иши қўзғатилди.

Данғара туманидан "Туптол замини" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Исаков вилоят адлия бошқармасига "Бешариқ пахта тозалаш заводи" АЖ томонидан қарздор сифатида ушлаб қолинган пул маблағларини ундириб беришни сўраб мурожаат қилди. Ўрганиш жараёнида Данғара туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди собиқ омборчиси Э.Меликўзиев ҳужжатларни қалбакилаштириб "иш кўргани" маълум бўлди. Мансабини суиистеъмол қилган бу шахс фермер хўжалиги номидан 9-сонли ишончнома ёзиб, 556-сонли ҳисоб- варақ (фактура) билан 10 литр, умумий нархи 1.804.800 сўмлик "Толстар" кимёвий дорини омбордан олиб, фермер хўжалигига эмас, бошқа шахсларга сотиб юборган. Ушбу иш юзасидан адлия бошқармаси таклифи асосида Данғара туман прократураси жиноят иши қўзғатди.

Бундан ташқари фермер хўжаликлари томонидан маҳсулот етказиб бериш юзасидан давлат контрактация шартномаларини бажармаслик ёки хизмат кўрсатувчи корхоналарга тўловларни вақтида амалга оширмаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Адлия бошқармаси ана шу масалалар юзасидан ҳам тегишли чоралар кўрмоқда. Масалан, таъминотчи Тошлоқ электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчи "Эркин Муҳсинов" фермер хўжалиги ўртасида 2008 йилда № 42068-сонли шартнома тузилиб, унга асосан мижозга электр қуввати етказиб бериб турилган. Аммо истеъмолчи электр қуввати учун белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўламай келган ва қарздорлик 1.129.700 сўмга етган. Адлия бошқармаси электр корхонаси манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ "Эркин Муҳсинов" фермер хўжалигидан қарз ундириб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги № 383- сонли қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, рўйхатдан ўтказиш, бажариш ва уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ўрганишлар жараёнида шартномаларни тайёрлаш, тасдиқлаш пайтида томонларнинг эътиборсизлиги сабабли хато ҳамда кутилмаган камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Натижада ўзаро низолар келиб чиқмоқда. Мониторинглар натижасига кўра жорий йилда 1.623 та шартнома қонунга номувофиқ тузилгани аниқлангани фикримизга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигида пишиқпухта шартнома тузиш, ижросини тўлиқ таъминлаш, яъни шартнома интизомига риоя этиш бугунги кун давр талабидир. Шартномага риоя қилиш нафақат ўзимизни, балки жамият манфаатларига ҳам хизмат қилишини унутмаслигимиз керак. Зеро, ҳар ишда қонунийликни таъминлаш миллий тикланиш ва манфаатларимизнинг асосидир.

ЖАРАЁН

Миллий либосларимиз чеварлари

ФАОЛИЯТ

Фермернинг бир куни

Юртимизда фермерлик жараёни бошланганига кўп бўлгани йўқ. Энг муҳими унинг тарихи бевосита Мустақиллик билан боғлиқ. Кези келганда шуни ҳам айтиш мумкинки, мустақиллик шарофати билан ер ҳақиқий эгасини топди. Бу эса ўз навбатида ерга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартирди. Бир умр елкасига офтоб тегмаган деҳқоннинг бугун бирданига гектар-гектарлаб ернинг эгаси бўлиши, қилган меҳнатига яраша ҳақ олиши, энг асосийси қадр топиши мустақиллик шарофатидир.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи, "Milliy Tiklanish" мухбири

Косонсой тумани "Дўстлик" ММПТга қарашли "Косонсой-Жаҳон" фермер хўжалиги 2004 йилда 29 гектар ерда 6 нафар киши билан иш бошлаган эди. Илк иш фаолиятини ана шу ерда оддий сувчиликдан бошлаган, кейинчалик омбор мудири, пайвандчи, умумий овқатланиш бўлими мудири бўлиб ишлаган Ҳафизхон ака Қодировнинг фермер бўлиб қолишини тасодиф деб бўлмайди, албатта.

- Деҳқончилик қилиш қўлимдан келармикан деб аввалига иккиландим. Ўйчини ўйи битгунча, таваккалчини иши битибди, деганларидек, 1996 йилда пудрат асосида 15 гектар ер олиб оилавий иш бошладик,- дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳафизхон ака. - Қарасам ишлар яхши кетаяпти. Бу мен учун бир синов бўлди. Ана шундан кейин фермер бўлишга аҳд қилдим.

Айни дамда 34 гектар ернинг эгаси, 20 нафарга яқин доимий ишчиси бўлган "Косонсой-Жаҳон" фермер хўжалиги 6 йилдирки режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. Ўтган йилги ҳосилдан 40 миллион сўм даромад олинди, шундан 12 миллиони соф фойдадир. Энг муҳими фермер хўжалигида пахта ҳамда ғалла режаси ҳам муддатидан олдин бажарилди. Пахтанинг деярли барчаси олий ва биринчи навга топширилди.

Бу соҳада техникани бекорга деҳқоннинг қаноти дейишмайди. Дарҳақиқат, техника деҳқоннинг қўл-оёғи. Фермер хўжалигига керакли ҳудудда чиройли бўлиб саф тортиб турган 2 та чопиқ, 1 та юк тракторига, 2 та прицеп, культиватор, дори сепадиган техника, айниқса янги "МТЗ-80" тракторига эътибор берганимизни кўрган фермер гап бошлади:

- Бир неча йилдан бери туманимиздаги "Агробанк"нинг мижозиман. Агар сўзингизда туриб, олинган маблағни ўз вақтида қайтариб берсангиз, билингки, бу сизнинг фойдангиз. Сизга ишончи ортган банк ҳар қандай ҳолатда ҳам муаммонгизга шерик бўлиб, унинг ечимини бир пасда топишга ҳаракат қилар экан. Янги "МТЗ-80" тракторимизга ҳам "Агробанк" 48 миллион сўм ўтказиб берди. Гарчи 3 йилга шартнома имзоланган бўлсада, биз уни эртароқ узишга ҳаракат қиламиз. Токи бу пуллар ишни янги бошлаган ҳожатманд фермернинг кунига ярасин.

Ўтган йилги ҳосил учун имтиёзли, яъни 3 фоизли кредит олиб, уни ўз вақтида қайтарган фермернинг банк ҳақидаги самимий гапларидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Ҳаётда шундай қоидалар ҳам борки, уларни билиш, наинки билиш балки ҳар доим унга амал қилиш лозим бўлади. Замон билан ҳамнафас бўлиш, иложи борича ундан олдинроқда юриш ана шу қоиданинг энг муҳим шартидир.

- Бугунимиз яхши, лекин эртамиз бундан-да яхши бўлишини истаймиз. Ниятим менинг қилаётган ишимдан бошқалар ҳам манфаатдор бўлсин,- дейди фермер. - Фермер хўжалиги ҳудудида паррандачилик фермаси очиб, унда 2000 та товуқ боқишни режалаштираяпмиз. Ҳозирда 7 бош зотдор молимиз бор. Уларни яқинда 20 бошга етказиш ниятидамиз. Сут-қатиқларни "Чашмаи-Сафед" фермер хўжалигига сотишни мўлжаллаяпмиз. Ва яна мавжуд ҳовузимизни кенгайтириб, балиқ ҳам кўпайтирмоқчимиз. Ҳеч бўлмаганда ўзимиз ва ишчиларимизга асқотиб қолар. Бундан ташқари маҳалламизда тикувчилик цехи очиб, маҳалла аёлларини ҳам иш билан таъминламоқчимиз.

Қилинган хайр-саховат ҳақида ҳар қанча сўрамайлик қаҳрамонимиз бу ҳақда лом-мим демади. Лекин биз бу пайтга довур Ҳафизхон аканинг туман иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссасию, хайр-саховати ҳақида эшитиб улгурган эдик.

Президентимизнинг кўрсатмалари асосида республикамизнинг барча ҳудудларида ҳамон оптималлаштириш, яъни йириклаштириш жараёни давом этмоқда. Ҳафизхон акага ўхшаган ишнинг кўзини биладиган фермерлар учун бу жараён яна бир янги имкониятни юзага келтирди, десак хато қилмаймиз. Қилинган меҳнат, эришилган ютуқларни ҳисобга олган туман ҳокими ва соҳа мутасаддилари фермерга яна 65 гектар ер қўшиб бериш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватладилар. Яқин кунлар ичида фермер хўжалигига қарашли ерлар 100 гектар бўлиши кутилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, ери кўпайган фермер биринчи навбатда ишчи кучини кўпайтиради. Бу эса фермер хўжалигида яна 50-60 та доимий иш ўрни яратилади деганидир.

4 ўғил, 1 қизни тарбиялаб, вояга етказган, энг муҳими ҳалол инсонлар қилиб ўстирган, умр йўлдоши, суянчи ва таянчи Марҳаматхон аянинг меҳр тафтини ҳис қилиб яшаётган Ҳафизхон аканинг армонлари билан қизиқдик.

- Нимани орзу қилган бўлсам вақти-соати етиб, ҳаммасига эришдим ва эришмоқдаман. Меҳнатимнинг орқасидан уй-жойли, ҳатто машинали бўлдим. Бир инсон яшаса, шунчалик яшайди-да. Бунинг учун биз фермерларга алоҳида эътибор қаратаётган Президентимизга ҳар қанча раҳмат айтсак кам. Бу йил ҳаётимдаги энг унутилмас ва қувончли йил бўлди, десам муболаға бўлмас. Негаки, мен яқинда туманимиздаги бошқа фермерлар қатори Президентимиз билан юзма-юз учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг учрашишга вақт топиб, бизнинг муаммоларимиз билан қизиққанидан очиғи бошим кўкка етди. Бу учрашув менинг кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди, - дейди қаҳрамонимиз Ҳафизхон ака Қодиров.

Ҳар бир қарич еридан унумли фойдаланиб, унга меҳр-муҳаббатини қўшиб ишлов бераётган, эртанги кунидан умидлари бир дунё, нафақат ўзига, балки ишчиларига, шулар қаторида бутун ўзбекистонлик деҳқонларга ризқ-насиба сўраб меҳнат қилаётган Ҳафизхон ака бу йил ҳар қачонгидан ҳам қаттиқ ишлашга аҳд қилган. Биз дала шийпонида бўлганимизда у ердаги шарт-шароит, ишчиларга яратилаётган қулайликлар, деҳқон оиласидаги меҳр-оқибат, ишчилар орасидаги ўзаро аҳилликкa гувоҳ бўлдик. Не ажабки дала ёнидан оқиб ўтган ариқ ҳам сувга лиммо-лим. Бу ҳам деҳқоннинг омади.

Бу йил Ҳафизхон ака учун ҳар жиҳатдан омадли келди. Негаки, мустақиллик байрами арафасида қаҳрамонимиз Юртбошимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Қилинган ҳалол меҳнат ҳеч қачон беиз кетмайди. Бу ҳақиқат ўз касбини севган, унинг натижаси ўлароқ ўзи ҳам улуғланган фермер Ҳафизхон ака мисолида яна бир бор исботини топди.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Банк ходими

йўриқномани бузди

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими ходимлари томонидан ўтказилган рейдда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида истиқомат қилувчи 1960 йилда туғилган Саодат Ўлмасова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва Каромат жиноят устида қўлга олиниб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Улар пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги ТИФ "Миллий банк"нинг "Ҳамза" филиалига қарашли валюта айирбошлаш шаҳобчаси ёнида "Лисунова" даҳасида яшовчи Валя Багаутдинова билан учрашиб, 10 000 сўм эвазига унинг паспортига валюта қимматликларини харид қилишга келишади. Иш битгач, шериклар жуфтакни ростлаб қолишаётганда Республика Бош Прокуратура қошидаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ушланиб, харид қилинган 5000 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Текширув жараёнида ТИФ «Миллий банк» "Ҳамза" филиалида назоратчи лавозимида ишловчи Рината Валиева ва кассир-эксперт лавозимидаги Ирина Исмаевалар "Валюта айирбошлаш шаҳобчалари тўғрисида"ги йўриқномага зид ҳолда Кароматдан 5000 АҚШ доллари олиш учун берилган 7 105 000 сўм пулни фуқаро Багаутдинова номига расмийлаштиргани аниқланди.

Ербол ИСАБОЕВ, СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори

Кўза ... кунида синади

Жиноятдан даромад олишни касб қилган Азим Усмонов (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) анчадан буён банкдан валюта олиб, "қора бозор"да пуллаш билан шуғулланарди. Халқимизда "Кўза кундамас, кунида синадир" деган ҳикматли гап бежизга айтилмаган. Бу қанчалик тўғрилигини А.Усмоновнинг охирги аҳволидан хабардор бўлганлар билади.

2 январь куни тахминан соат 10 атрофида Ҳамза туманидаги "Ипотека банк"нинг "Ҳамза" филиалига қарашли валюта айирбошлаш шаҳобчасида С.Олимов паспортига 5000 АҚШ доллари харид қилади ва "Паркент" бозорида "қора бозор" нархида сотади. Фуқаро С.Олимовга 5000 сўм бериб рози қилгач, яна жиноий ҳаракатини давом эттираверади. Усмонов кейинги сафар ўзига шерик қилиб Жавлон Бурнашевни танлайди. Ҳар икки "долларчи" валюта айирбошлаш шаҳобчасидан 5000 доллардан олишиб, уларни "Паркент" бозорида пуллашади. Орадан бир оз вақт ўтгач, А.Усмонов яна С.Олимовни чорлайди ва бу сафар ҳам 5000 сўм эвазига 5000 АҚШ доллари олиб беради.

Қисқаси, давомли равишда ноқонуний валюта олди-соттиси билан шуғулланиб келган А.Усмонов ва унинг шериклари жиноят устида ушланиб қонун олдида жавоб беришмоқда.

А.АБДУБОИСХЎЖАЕВ, СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Яшил салтанат кушандаси

дунёдаги ёнғинларнинг аксарияти ривожланган 20 та мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда

Гўзал МАЛИКОВА

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари дунёнинг турли нуқталарида ўрмон ёнғинлари содир бўлаётгани ҳақида тез-тез хабар тарқатмоқда. Август-сентябрь ойларида Греция, Испания, Франция, АҚШ, Португалия, Австралияда кучли ўрмон ёнғинлари кузатилди. Гарчи мазкур табиий офатлар минтақамиздан анча узоқ ҳудудларда содир бўлса-да, бу ўрмон ёнғинларига нисбатан эътиборсиз бўлишликни англатмайди. Зеро, тилсиз ёв Европа, борингки, Океан ортида юз берса ҳам унинг атмосферага ва умуман ер юзи иқлимига таъсирини бутун дунё сезади.

Ўрмонлар – ер шарининг ўпкаси. У карбонот ангидридни ютиб, ҳаётимиз учун зарур ҳавони кислородга бойитади. Шу маънода ҳаётнинг бардавомлиги шу яшил мўъжизага боғлиқ. Антарктикадан ташқари ҳамма қитъаларда ўсадиган ўрмонлар Ер шаридаги қуруқликнинг 30 фоизини ишғол қилади. Ернинг ўрмонли майдони 4 миллиард гектарни эгаллайди (Ўзбекистонда 8,5 миллион гектарни ташкил этади (2004 йил). Яшил салтанат беқиёс табиий бойликларга эга – ёввойи ўсимликлар мевалари, доривор ўсимликларни айнан шу ерлардан топиш мумкин. Инсоният қадимдан ўрмон дарахтларидан унумли фойдаланиб келган. Ўрмон ресурсларининг асосий қимматли маҳсулоти – бу саноат ва қурилишнинг кўпгина тармоқларида ишлатиладиган, ўрмон дарахтларини кесиб тайёрланадиган ёғочдир. Бугунги кунда йирик ўрмонларга эга бўлган Россия, АҚШ, Канада ва Бразилия ҳам ёғоч савдосидан катта даромад олади.

Шунга қарамай, сўнгги 20 йил мобайнида ўрмон ёнғинлари 6 маротаба кўпайган бўлиб, унинг 80 фоизи инсон фаолияти билан боғлиқлиги аниқланган. Хусусан, Россияда қасддан ўт қўйиш ҳодисалари барча ёнғинларнинг 7-8 фоизини ташкил этса, бу кўрсаткич АҚШ, Австралия, Швеция ва Янги Зеландияда 3 баробар ортган. Бундан ташқари ёнғинга асосан, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, электр ва газ асбобларидан ҳамда ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойдаланишнинг қоида ва меъёрларини бузиш, чекиш пайтида оловга эътиборсизлик бўлиш сабаб бўлмоқда.

1981 йилда Швейцарияда ташкил этилган Бутунжаҳон ёнғин статистика маркази тарқатган маълумотларга кўра, дунёда бир йилда ўртача 1,6-1,7 миллион маротаба ёнғинлар содир бўлади. Унинг аксарияти ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2002-2006 йилларидаги маълумотларга қараганда, йилига ёнғинлар сонини давлатлар ҳисобига тақсимлаганда Хитой 1-ўринни эгаллаган. 1 миллиард 300 миллиондан зиёд аҳолига эга бўлган Чинда йилига ҳар минг кишига ўртача 0,19 та ёнғин тўғри келган. Бунда кейинги ўринларда Ҳиндистон, АҚШ, Россия, Филиппин, Вьетнам, Германия ва Туркия давлатлари турган.

ИТАР-ТАССнинг хабар беришича, яшил қитъа – Австралия жанубида жорий йилнинг июль ойида содир бўлган ўрмон ёнғинлари оқибатида қарийб 200 киши ҳалок бўлган. Ёнғин икки миннга яқин турар-жой биносини вайрон қилган, 4000 квадрат километр майдондаги ўрмоннинг кулини кўкка совурган. Кениянинг Найроби шаҳридаги савдо марказларининг бирида ҳам содир бўлган кучли ёнғин оқибатида ўндан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган. Маҳаллий полициячиларнинг сўзларига кўра, юздан зиёд одам бедарак йўқолган. Савдо маркази бутунлай вайрон бўлган. Ўрмон ёнғинлари Испанияга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Олов тафтининг баландлиги боис Мадрид ва Барселона шаҳарлари ўртасидаги поездлар ҳаракати тўхтатиб қўйилган. Ёнғин Франция жанубидаги 1200 гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурган. Мутахассислар ушбу ёнғинларни коинотдан ҳам кузатиш мумкинлигини айтишган. Умуман сўнгги 10 йилда Ер шарида 7-10 миллионга яқин турли ёнғинлар содир бўлган. Ҳалок бўлганлар эса ҳар йили 70 миннга яқин, ҳар соатда қарийб 8 нафар одам ёнғиндан ҳаётдан кўз юмди.

Ёнғинлар қаерда содир бўлишидан қатъий назар пастки, юқори ва ер ости турларга бўлинади. Пастки ёнғинлар оқибатида ўрмонлардаги хазонлар, лишайниклар, майсазорлар, новда-бутоқлар йўқ бўлиб кетади. Ушбу ёнғинлар шамолга қараб тезлиги соатига 0,25-5 км.ни ташкил этади. Пастки ёнғинлар тез-тез ва доимий содир бўладиган хусусиятларга эга. Улар орасида энг хавфлиси юқори ўрмон ёнғинлари саналиб, тезлиги соатига 5-25 км.дан иборат. Одатда, улар пастки ёнғинлар ва шамолнинг тезкор ҳаракати натижасида ривожланади. Пастки ёнғинлар дақиқасига 1-3 метрдан иборат бўлса, "юқори қават" дақиқасига 10-100 метр тезликда ҳаракатланади.

Ўрмон ёнғинларининг фойдали жиҳатлари. Ёнғинлар бир томондан ўрмонларнинг янгиланишига сабаб бўлади. Бошқариладиган ёнғинлардан мақсад ўрмонлардаги ёнувчан хусусиятга эга бўлган нарсалар, ёғоч чиқиндилари, қуриган ва касалланган дарахтларни йўқ қилиш, янги кўчатлар учун ерлар тайёрлаш, ўрмонлар касаллиги ва ҳашаротларга қарши курашда муҳим омил вазифасини бажаради.

Салбий жиҳатлар. Ёнғинлар оқибатида атмосферага улкан миқдорда карбонот ангидрид, азот, бўғувчи газ ва оксид газлар, кул ва бошқа ифлослантирувчи моддалар билан тўйинган тутун ажралиб чиқади. Қора тутун билан қопланган заҳарли ҳаво янги туғилаётган чақалоқлар ва ёш гўдаклар ҳаёти учун хавфлидир. Тутуннинг таъсири оқибатида юракда туғма нуқсонлар ва нафас олиш йўлларининг касалланиши ўсиб боради. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўрмон ёнғинлари ер шарининг чўлланишига, қурғоқчиликнинг ортишига олиб келади. Қурғоқчиликнинг кўпайиши эса ёғингарчиликни камайтиради.

Яна бир эътиборли маълумот: қайси мамлакатда энергия ва ёқилғини қанча кўп истеъмол қилинса, шунча кўп ёнғин содир бўлади. Масалан, жаҳон нефть импортининг ярмидан кўпроғи АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Франция ҳиссасига тўғри келади. Энергияни юқори даражада истеъмол қиладиган мамлакатлар тоифасига Буюк Британия, Хитой, Россия, Польша, Австралия, Голландия, Ҳиндистон ҳам киради. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозир айнан мазкур давлатларда содир бўлаётган ёнғинлар иқтисодиётга жиддий зарар етказмоқда.

Мамлакатимиз табиий-иқлим шароитига кўра, дунёнинг кам ўрмонли давлатлари сирасига киради. Бироқ республикамизда тармоққа қаратилган алоҳида эътибор туфайли юртимиз яшилликка бурканмоқда. Боғбон, соҳибкор халқмиз-да, кўчат экиб, боғ яратиш азалий қадриятларимиздан. Президентимиз таъбири билан айтганда, дўппида сув ташиб бўлсаям, дарахт кўкартирадиган халқмиз. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда мамлакатимизда ўрмончилик хўжалигининг асосий қисми чўл минтақаларида олиб борилмоқда. Жумладан, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш мақсадида денгизнинг қуриган қисмида ўрмон-мелиорация тадбирлари мунтазам амалга оширилмоқда. Бу ҳудудда ҳар йили 14-15 минг гектар ерга саксовул, черкиз, қандим сингари қурғоқчиликка чидамли дарахт ниҳоллари ўтказилмоқда. Натижада 2004-2008 йилларда Оролнинг чекинган 88 минг гектар майдонида "яшил қалқон"лар бунёд этишга эришилди. Бундан мақсад кўтарилаётган чанг ва тўзонларни пасайтириб, қум ва туз зарраларини ушлаб қолишдир.

Ўрмонлар – табиат гултожи. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир туп дарахт 24 соат ичида 3 киши учун зарур бўлган кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар ўрмонзор эса йилига 18 миллион куб метр атмосфера ҳавосини тозалаб беради. Бир туп саксовул эса 5 тоннагача қум зарраларини ушлаб қолса, бир гектар дарахтзор ўртача ҳавога кўтарилаётган чангнинг 72, олтингугурт газининг 60 фоизини тутиб қолади. Бир сўз билан айтганда, табиатнинг бундай беқиёс инъоми неча-неча асрлардан буён инсониятга тоза ҳаво, мусаффо ҳаёт яратиб бермоқда. Аммо табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, бепарволик мувозанатнинг бузилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Агар биз қаердаки хато қилсак, бепарво бўлсак, яшил бойлик инсониятни кечирмаслиги аниқ.

Энг йирик ёнғинлар рўйхати

	Йил,	Мамлакат	Қурбонлар
1	1994 йил	Хитойдаги концерт зали	330дан ортиқ
2	1995 йил	Ҳиндистон ибодатхонаси	қарийб 600 нафар
3	1997 йил	Маккадаги диний маросим	350 нафар
4	1998 йил	Швециядаги дискотека клуби	60 нафар одам
5	1999 йил	Мисрда давлатга қарашли ёнилғи корпорацияси	520 нафардан зиёд
6	2000 йил	Угандада черковда ўзига-ўзи ўт қўйиш маросими	330 киши

Дунё давлатларида йилига содир бўладиган ўртача ёнғинлар

№	Ёнғинлар сони, йилига	Давлатлар сони	Мамлакатлар
1	1,6-1,7 млн.	1	АҚШ
2	100 мингдан 600 миннгача	10	Буюк Британия, Франция, Россия, Польша, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Италия, Мексика, Австарлия
3	20 мингдан 65 миннгача	25	Япония, ЖАР, Индонезия, Туркия, Канада, Малайзия, Эрон, Голландия, Украина, Испания ва бошқалар
4	10 мингдан 20 миннгача	20	Таиланд, Алжир, Руминия, Қозоғистон, Куба, Чехия, Бельгия, Сербия, Дания, Финляндия
	Жами	71	Қолган 150 давлатда йилига 5 мингдан ортиқ ёнғинлар содир бўлади

Даврон ҚОДИРОВ, Тошкент шаҳар Яккасарой туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори.

- Халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб мазмунмоҳиятини ташкил этади. Бунда ички ишлар идораларининг, жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизматининг муҳим ўрни бор. Ёнғин хавфсизлиги хизматининг куч ва воситаларини марказлашган ҳолда бошқариш, жойлардан тушаётган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида масъул ходимлардан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзал, деган ҳикмат соҳа ходимларининг шиорига айланган. Бу тушунчани юртдошларимиз онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тегишли соҳалар хизматлари вакиллари билан ҳамкорликда хонадонлар, идора, ташкилот ва корхоналарнинг ёнғинга қарши ҳолати доимий назоратга олинган. Ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланаётган қоидабузарлик ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилаётгани ёнғин содир бўлиш ҳолатлари сезиларли даражада камайиши учун замин яратмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг осуда ва фаровон турмуши, қолаверса, байрамларнинг янада шукуҳли ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Йўловчилар қутқариб олинди

Филиппин оролида йўловчи кема ҳалокатга учраган.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабарича, мамлакатнинг Минданао оролидан Илойло порти томон сафарга чиққан йўловчи кема об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли сувга ғарқ бўлган. "Суперферри" номли мазкур кемада 847 нафар йўловчи, 117 нафар кема аъзолари ва 4 нафар хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам бўлган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида қарийб 10 кишининг жасади топилган, бедарак йўқолганлар эса 30 нафардан ошганлиги айтилмоқда. Қолган барча йўловчилар қутқариб олинган.

Озиқ-овқат етишмайди

БМТ тарқатган маълумотларга кўра, Корея халқ демократик республикасида ҳар уч нафар аҳоли озиқ-овқат танқислигидан азият чекмоқда.

КХДРда озиқ-овқат инқирози давом этмоқда. Айни пайтда мамлакатда 8,7 миллион аҳоли – ҳар уч нафар одамда кундалик, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари етишмайди. Халқаро инсон ҳуқуқлари вакилларининг сўзларига кўра, расмий Пхеньян томонидан ўтган йиллар давомида АҚШ ва бошқа хорижий давлатларнинг импорт маҳсулотларидан воз кечиши аҳолининг яшаш даражасига жиддий таъсир қилган. Айни пайтда халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар атиги 2 миллион аҳолига етмоқда, холос.

Инқирозга қарамай...

Сайёрамизда қарийб 1,5 йилдан буён молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, қурол-яроқ экспортидан келаётган даромад тобора ошиб бормоқда.

«Reuters»нинг АҚШ конгресси маълумотларига таяниб хабар беришича, 2008 йилда мазкур мамлакатнинг қурол-яроғ экспорт ҳажми 37,8 миллиард долларни ташкил этган. Мутахассисларнинг фикрича, бу эса соҳадан топилган даромад 50 фоизга ошганлигини англатади. 2007 йилда АҚШ қурол-яроғ экспортидан 25,4 миллиард доллар фойда кўрганди. Расмий Вашингтон бу борада Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Марокка каби давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. АҚШ билан, шунингдек, Ҳиндистон, Ироқ, Миср, Жанубий Корея ва Бразилия ҳам йирик миқдордаги шартномалар имзолаган. Навбатдаги ўринни 2008 йилда қурол-аслаҳадан 3,7 миллиард доллар даромад қилган Италия эгаллаган. Маърузада ёзилишича, Россия 2007 йилда 10,8 миллиард доллар даромад қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,5 миллиардни ташкил этган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Лабиринтлар

уларнинг ҳар бири афсонага йўғрилган

Яқинда Небраска штатининг маккажўхори даласида дунёдаги энг катта лабиринт яратилди. Унга Verizon Wireless номли компания ҳомийлик қилган. Мутахассислар ушбу лабиринт аввал Гиннес рекордлари китобидан ўрин олган лабиринтдан ҳам катталигини тасдиқлашмоқда. Дарвоқе, жорий йилнинг 25 сентябридан то 1 ноябригача ушбу лабиринтни кўргани дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар йиғилишади.

Тарихдан маълумки, ҳар бир асрда ўзига мос ва хос меъморий обидалар, ҳашаматли бинолар ҳамда лабиринтлар қурилган. Лабиринтларнинг қай мақсадда яратилишига ҳам ҳар бир даврнинг ўз қарашлари, афсоналари мавжуд. Шундай экан, келинг энг қадимги ва ўз даврида энг улкан бўлган лабиринт тарихини қисқача баён этсак.

Афсуски, эрамиздан аввалги 2000 йилда Миср ҳукмдори Аменемхет III нинг Моэрис кўли ёнида қурдирган лабиринт қолдиқлари бизгача етиб келмаган. Тарихчиларнинг айтишича, у дунёдаги энг катта лабиринт бўлган. Геродотнинг ёзишича, лабиринтнинг умумий майдони 70 000 кв.метр бўлиб, ундаги хоналарнинг сони уч мингдан ортиқ бўлган экан. 1843 йилда немис архитектори Эрбкам бошчилигидаги экспедиция гуруҳи ушбу лабиринт ҳақида имкон қадар маълумот олишга ҳаракат қилган ва ўз қарашларини баён этган. Улар лабиринт ниҳоятда мураккаб тизим бўйича баҳайбат тош плиталардан қурилган, деган фикрни илгари суришган. Тарихшуносларнинг фикрича, ушбу лабиринт фиръавнларнинг мамлакатни бошқариш маркази ҳисобланган. Шунингдек, ибодатхона кўринишида ҳам бўлган бу лабиринтда Миср худосига атаб қурбонликлар қилишган.

1888 йилда профессор Фемидерс Петри Аменемхет III нинг лабиринти пойдеворини топади ва унинг ўлчами 1000 метр эканлигини аниқлайди. Юнон тарихчиси Геродот эрамиздан аввалги V асрда лабиринтни кўриб, ҳайратланган ва бу қурилишга бошқа энг йирик қурилишлардан юз чандон кўп қурилиш материаллари ва меҳнат сарфланган, деган хулосага келган. Аменемхет лабиринтининг иккита ўзига хос хусусияти бўлган: бири чигал меъморий ечими бўлса, иккинчиси спирал ҳолдаги олдинга ва орқага юрадаган йўлакларидир. Геродотнинг таърифлашича, лабиринт битта девор билан ўралган бўлиб, 12 та ҳовлисининг 6 таси шимолда, 6 таси жанубий қисмида, 3000 та меҳмонхонасининг ярми ер остида, ярми ер устида жойлаштирилган. Пастки қисмида подшоҳларнинг қабрлари бўлиб, у ерга ҳеч ким киритилмаган ва ниҳоятда қаттиқ қўриқланган. Буюк саёҳатчи Страбон Аменемхет лабиринтида йўлбошчисиз адашиб қолиш ҳеч гап эмас, деб таърифлаган экан.

МИНАТАВР АФСОНАСИ

Тарихчилар Аменемхет III лабиринтининг кўринишига алоҳида таъриф беришган ва жуда кўплаб маълумотлар тўпланган бўлишса, Крит лабиринти ҳақида эса жуда кам маълумот бизгача етиб келган. Ундан фақат афсоналар қолган холос. Масалан, афсоналардан бирида айтилишича Кносс қасридаги лабиринт марказида Минатавр номли махлуқ яшаган. Қадимда афиналиклар ҳар тўққиз йилда еттита йигит ва етти қизни махлуққа қурбонликка юборишган. Тарихчиларнинг айтишича, лабиринт архитектори Дедал чигал йўлак ва сохта эшикларни шунчалик кўпайтириб юборганки, у ерга кирган киши қайтиб чиқмаслигини аниқ билган. Афиналиклар қаҳрамони ёш йигит Тезей ўз хоҳиши билан лабиринтга киришга ва махлуқни ўлдиришга рози бўлади. Тезей Критга келганида подшоҳнинг қизи Ариаднани севиб қолади. Малика ҳам Тезейдан айрилишни хоҳламайди ва Дедалнинг маслаҳати билан Тезейга бир ўрам ип

беради. Тезей минатаврни ўлдириб, ана шу ғалтак ёрдамида лабиринтдан ортга қайта олади. Ҳақиқатан афсонавий Крит лабиринти бўлганми, йўқми бу ҳеч кимга маълум эмас. Унинг ақалли пойдевори ҳам топилмаган. Бироқ, Плинийнинг ёзувларига қараганда, Крит лабиринти Аменемхетнинг ўзгинаси, яъни ... марказ ... ҳақиқий нусхаси бўлган.

ЭНГ ЙИРИК ЛАБИРИНТ

Тарихчи ва археологлар лабиринт қуришдан мақсад нима бўлган, деган саволга йиллар давомида жавоб ахтариб келишган. Масалан, Қуддусдаги Мигалан лабиринти гуноҳкор христианларни жазолаш мақсадида қурилган, дейишади. ... мон маъносини билдиради) деб номланиб, у ерда кентавр ёки минатавр кўриниши тасвирланган. 1858 йилда Эдвард Троллоун "Археология" журналида ёзишича, гуноҳкорлар черков лабиринтида тизза чўккалаганларича чигал йўлаклардан дуо ўқиган ҳолда марказга бориб, яна ортга қайтишлари лозим бўлган.

XVI асрдан бошлаб эса Европада майин ўтдан лабиринтлар яратиш урфга айланган. Бугунги кунда биринчи энг йирик лабиринтлардан бири Лонглит-Хауседа Уилтшир графлигида мавжуд бўлиб, у 1978 йилда яратилган. Балтика денгизининг қирғоқларида — Скандинавияда 600 та тош лабиринтлар бор. Айтишларича, бу лабиринтларни маҳаллий балиқчилар омад билан қайтиш ҳамда ов баракали бўлиши учун қуришган. Хитойликлар қадимда ёвуз руҳлар фақат тўғри йўл бўйлаб учади, деб ўйлаб, уларни чалғитиш учун уй ва шаҳарларни лабиринтлар кўринишида қуришган экан.

Олимлар ўз кузатувларини жамлаб ҳар бир лабиринт ўз даврига хос шароитга мослаб қурилган, деган тўхтамга ке-

НИГОҲ

ФИДОЙИЛИК

Уй музейи

миллий ҳунармандчилик акс этган экспонатлар билан бойитилмоқда

Шундай фидойи инсонлар борки, ҳамиша эзгуликка интилиб, халқимга, ватанимга фойдам тегсин, деган яхши ниятлар билан яшайди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Бешкапа маҳалласида истиқомат қилаётган Бахтиёр Пўлатов ҳам худди шундай инсонлар сирасига киради. Дарвоқе, Бахтиёр Пўлатовнинг оиласини "Ўқитувчилар оиласи" деб аташади. Бу бежиз эмас. Турмуш ўртоғи Дилдора Пўлатова билан 27 йилдан зиёдроқ умри давомида мактабда ўқитувчилик қилди. Ёшлар билан ишлашга ўрганиб қолган устозлар нафақага чиққандан кейин ҳам тиним билмади. Ўз уйидан музей учун жой ажратиб кўпнинг дуосини олмоқда.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

— Ўқитувчилик касбидан нафақага чиққанимдан кейин эл-юртга фойдам тегиши, энг муҳими, савоб ишни амалга ошириш устида кўп ва хўп бош қотирдим,- дейди биз билан суҳбатда Бахтиёр Пўлатов. — Бир куни қўшнилар билан бўлган суҳбатда дафъатан ҳунармандчилик ҳақида гап қизиди. Ҳунарли инсон хор бўлмайди. Фарзандларимиз яхши униб-ўсиши, аждодларимиз яратган беқиёс меросларни асраб-авайлаш, ёш авлодга етказиш – бизнинг асосий вазифамиз. Хўш, шу ҳудудда бирор ҳунармадчилик устахонаси ёки уй музейи ташкил этиш мумкинми? Орага яна кимдир қўшилди: маблағ масаласи қандай ҳал этилади?

"Кўпдан қуён қочиб қутулмас" бир ёқадан бош чиқарсак, биргаликда ҳаракат қилсак, ҳаммаси ҳал бўлади. Хуллас, ўша кундан бошлаб ишга киришдим. Бир неча йиллик меҳнатдан сўнг сиз аста-секин бунёд бўлиб, кундан-кунга бойиб бормоқда. Бундан ташқари музей шогирдларимизнинг оддий писта пўчоғи, маккажўхори қовун-тарвуз уруғи ва турли хас-чўплардан яратган санъат асарлари, халқ амалий санъатининг наққошлик турида ясалган буюмлар билан бойитилмоқда. Бундан мақсад фарзандларимиз ёшлигидан миллий руҳда ясалган нарсаларни кўрса унга нисбатан ўзгача меҳр уйғонади.

— Хўш, музейнинг қулайлиги нимада?

— Қулайлик томонлари кўп. Масалан, кечқурун ишдан қайтган маҳалладошларимиз шу ерда дам олиб, кўриб кетиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Учта қизнинг отаси, ширин невараларнинг бобоси Бахтиёр Пўлатовни Бешкапа маҳалласида меҳрибон устоз, саховатпеша инсон сифатида ҳурмат қилишади. У нафақат уй музейи яратди, балки ҳозирда турмуш ўртоғи билан 50 дан ортиқ ўқувчи-ёшларга миллий ҳунармандчиликнинг сир-асрорларини ўргатишмоқда.

— Ёзги таътилда ўқувчиларнинг бўш вақтлари бўлади. Ота-оналар кўпроқ иш билан бандлиги боис фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга вақт топа олишмайди. Биз ёш авлодларни вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳунар ўргатишга жалб қилаяпмиз,- дейди Дилдора Пўлатова. — Шогирдларимиз қизиқишларига қараб гуруҳларга бўлинган. Улар белгиланган вақтда келишади, бир-бири билан мулоқот қилиб ясаган буюмларининг ютуқ ва камчиликлари устида фикр алмашишади. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд. Ўқувчиларга асосан халқ амалий санъатининг нақкошлик тури, рассомчилик бўйича сабоқ бераяпмиз. Бу эса ўқувчиларнинг эстетик билимларини мустаҳкамлаб, ҳатто оддий хас-чўплардан ҳам санъат асари ясаш имконини бермоқда.

— Аҳамиятли томони шундаки, - дея сўзини давом эттирди Дилдора опа, — ясаган буюмлар бир-бирини такрорламайди. Буни кўриб, бизнинг миллатимиз буюк бўлган, бундан кейин ҳам буюк бўлади, деган гап нақадар тўғри эканлигига амин бўламиз. Бу албатта келажакда миллий ҳунармандчиликнинг барча соҳалари бундан-да юксак натижаларга эришиши, яъни келажаги порлоқлигидан далолатдир.

— Янги уй-музейи менда катта таассурот қолдирди, айниқса, бу ерда устозим Дилдора опанинг ўз фарзанди каби ғамхўрлик қилиши кучимизга куч қўшмоқда,- дейди Султон Тўрақулов. — Айтишларича, кимки аждодлари ишини давом эттирса, уйидан барака аримас экан. Ҳунармандчилик сирларини мукаммал ўрганиш, келажакда шу йўлда тинмай изланишни олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бундан ташқари ясаган маҳсулотларимизни нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам танитиш орқали қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ота-боболаримиз меросини янада кўпроқ тарғиб қилишни ният қилганман.

суратда кўриб турган мўъжазгина уй-музейи ташкил топди.

— Экспонатлар қандай йиғилди? Умуман, уй-музейини ташкил этиш осон кечмагандир?

— Дарҳақиқат, шундай. Музейни ташкил қилганимизга икки йил бўлди. Ундаги экспонатларни қарийб 7-8 йилдан буён маҳалладаги оилалардан йиғиб келардик. Айримлар менда жуда эски кўза, матолар бор, музейга совға қиламан деб қолишса, тамом. Оғиздан чиққан гап ҳисоб — олиб келиб жойлаштирмагунимча тинчимасдим. Даргоҳ шу асосда

ТАДБИР

Янги почта маркалари

пойтахт юбилейига бағишланди

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ пойтахтимизнинг 2200 йиллигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати бинолари, Тошкент Халқаро бизнес маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, Туркистон саройи, Ҳазрати Имом мажмуаси Бароқхон мадрасаси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳамда Буюк ипак йўли харитаси фрагменти тасвирланган махсус почта маркалари туркумини муомалага чиқарди. Шунингдек, пойтахт Куранти ва "Тошкент - 2200 ёшда" 29.08.2009. Ўзбекистон, "Тошкент почтамт" ёзувлари туширилган махсус хотира тамғаси тайёрланди. Ана шу муносабат билан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан мазкур почта маркаларини махсус хотира тамғаси билан сўндириш тадбири ўтказилди. Фан арбоблари, почта ходимлари ва оммавий ахборот воситалари иштирок этган тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очиб берди ва маркаларни махсус хотира тамғаси билан сўндирди.

ЯНГИ НАШРЛАР

"Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори асосида белгиланган тадбирлар доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Миллий библиография бўлими томонидан "Тошкент 2200 ёшда" адабиётларнинг библиографик кўрсаткичи" китоби чоп этилди.

Пойтахт ҳақида китоб

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарорлари, маруза ва бошқа чиқишлари, расмий материаллар билан бошланган китобда Тошкентнинг тарихи, ўлка табиати ва табиий бойликлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти, техника, энергетика, соғлиқни сақлаш, таълим ва тарбия ишлари, Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари, пойтахт ҳақидаги библиографик ва методик қўлланмалар ва бошқа йўналишлар жой олган.

Мазкур нашр кўрсаткичларига кирган 2000 дан зиёд адабиётлар муаллифларининг исмлар кўрсаткич боби ҳам бор.

Библиографик кўрсаткич, илмий муассасалар, ўқув юртлари ўқувчи талабалари, педагог олимлар учунгина эмас, Тошкентнинг, умуман ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маданий ҳаёти, турмуш тарзи, унинг кеча ва бугуни, келажагига қизиққан инсонлар учун муҳим манбаа, матбуот вазифасини бажаради.

"Туйғуларим"

пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланади

Акобир Сайидов,
"Milliy tiklanish" мухбири



Ушбу шеърий мажмуанинг муқаддимасида ижодкорнинг юрагидан отилиб чиққан гўзал сатрларга кўзимиз тушади. Техника фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Жўрақул Нурматовнинг ушбу тўпламида муаллифнинг сўнгги йиллардаги ижодий маҳсули жамланган. Ижодкорнинг дил изҳорлари, панду ўгитлари, ҳаётий ҳикматларидан таркиб топган тўплам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Тўпламдан жой олган шеърлар кишини Ватаннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидай асрашга, она юрти учун жонини ҳам аямаган аждодлари билан фахрланишга, эрк, истиқлол тушунчаларини қалб-қўри билан ҳис қилишга ундайди. Айниқса, шоир ўзининг 2200 йиллик ёшини қаршилаган, қадим ва навқирон Тошкент шаҳрининг босиб ўтган кўп асрлик довонлари ҳақида фикр юритилган.

Мустақиллигимиздан сўнг тарихимиз қайта кўз очди. Буюк мозийдан ўрнак олиб порлоқ келажак қурмоққа жазм этдик ва шу йўлдан матонат билан олға бормоқдамиз. Тўпламнинг "Шаҳарларим" деб номланган туркумида ҳам ана шу тарихимиз, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши сингари азал-азалдан йирик маданият ва маърифат марказлари бўлиб келган шаҳарларимизни таърифу тавсиф этади. Унинг бугуни ва ўтмишига боқиб шундай хулосага келади:

Аминман элда зўр авлод етишар,
Ўтмишни қадрлаб, тавоф этишар.
Камтар битигимиз ўқисалар гар,
Шояд бизни ёдлаб, савоб битишар...

ЎГИТ

Ҳар неким эрмиш ўзингга нораво,
Нораводир ўзгага кўрсанг раво.

* * *

Кўз — булут, кўнгил — чамандир жилвагар,
Гар булут кўз ёши тўкса, боғ кулар.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Берлин шаҳри немисча "Ваг", яъни "айиқ" сўзидан пайдо бўлган, дейишади. Чунки шаҳар гербида айиқнинг сурати акс этган. Аммо бу тахмин ҳақиқатдан йироқ. Шаҳарнинг номи славян тилидаги "Beri", яъни "ботқоқ" сўзидан келиб чиққан.

* * *

Минск қадимда Менск, Меньск, Менеск деб аталган. Баъзи маълумотларга кўра, Минск шаҳри номи "менять", яъни "ўзгартирмоқ, алмаштирмоқ" сўзидан пайдо бўлган. Яна бир ҳақиқатга яқинроқ фактга кўра эса шаҳарнинг бундай номланишига унинг Менке дарёси устида жойлашгани сабаб бўлган.

ТУРФА ОЛАМ

Уйингизга хизматкор керакми?

Фантастик киноларда уй ишлари билан кўпроқ роботлар шуғулланишади. Япония эса бугунги кунда фантастик ғояларни рўёбга чиқараётган мамлакатлардан биридир.

Токио университети олимлари ҳамда Toyota корпорацияси мутахассислари янги уй роботи — HARни ихтиро қилишди. Ушбу тўрт ғилдиракли уй хизматкори бешта камера ва олтита лазерли сенсор ёрдамида атрофидаги муҳитга мослаша олади. HARнинг қўли уч бўғим ва учта бармоқ ёрдамида пол артиб, идиш-товоқ ювиши, ҳатто мебелларни ўрнидан суриши мумкин. Бундан ташқари робот ўз-ўзини ўргатиш интеллектига ҳам эга. Янги уй хизматкорининг инсон билан яна бир яқин томони, унинг меҳнат қуввати 60 дақиқага етиб, сўнг у дам олишга муҳтождир.

Қадимги топилма



Москва Давлат университети археологлари Бошқиристондаги ғордан қадимги одамларнинг бош суяк чаноғини аниқлашган.

Шунингдек, ғор деворларига палеолит даврида чизилган 50 га яқин тасвирлар ҳам топилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамонт, от, носорогнинг сурати ғор деворларига 13 минг йил аввал чизилган экан.

Амазонкадаги янги ҳайвон

Сайёрамизда борган сари ноёб ҳайвонлар йўқолиб бораётгани билан бирга янги, илм-фанга номаълум бўлган ҳайвонлар тури қўшилиб бормоқда.

Яқинда Wildlife Conservation Society ташкилоти ана шундай янги ҳайвон, яъни маймуннинг номаълум турини аниқлаганини маълум қилган. Айтишларича, ушбу ажойиб маймун Амазонка ҳудудидан топилган.

Тошқотган тиш

Япониялик олимлар Япониянинг ғарбий қисмидан тринназаврнинг тошқотган тишини аниқлашган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, топилманинг ёши 140 млн. йил бўлиб, у триназаврларнинг энг эрта ривожланиш даврига таалуқли экан. Олимларнинг тахминига кўра, унинг узунлиги 5 метр бўлган.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Жиззах вилоят кенгаши ЎзМТДП Зафаробод туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси
Шаҳарбой БОЙСИНОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ЎзМТДП Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Зуҳра Тожихожаевага падари бузруквори
РАСУЛБЕРГАН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-723, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Беҳбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.

1 2 3 5